



MILLIY TIKLANISH

26 (191) ● 2012 йил 4 июль, чоршанба ● Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси
 ЎЗМТДП — www.mt.uz Тахририят — www.milliytiklanish.uz 2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган

Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан!



ТАНЛОВДАН мақсад партиянинг фаолият йўналишлари бўйича юқори натижаларга эришган, унинг гоё ва мақсадларини аҳоли орасида тарғиб этишда жонбозлик кўрсатган партия фаоллари ва ходимларини аниқлаш, уларнинг иш тажрибаларини ўрганиш ва келгусида оммалаштиришдан иборат.



ФАРФОНА вилояти Қувасой шаҳар ҳокимлиги маданият ва спорт ишлари бўлимига қарашли маданият уйи қошидаги «Карнай-сурнай», «Юлдузча», «Тантана», «Гўзал» ашула ва рақс гуруҳларига юздан зиёд ўғил-қиз жалб этилган.



ИНСОН руҳан ва жисмонан тегин, бардам-бақувват экан, яхши яшашга, ҳавас қилса арзигулик ишларни амалга оширишга интилади. Бугун юксалиш сари илдамлаётган юртимиз одамларининг дунёқараши, ҳаётга муносабати, турмуш тарзи ва яшаш шариоити буткул ўзгармоқда.

2 СИЁСАТ

5 МАЪНАВИЯТ

6 ЖАРАЁН

● **ХАБАРЛАР**

Бўш иш ўринлари ярмаркаси

Кегейли туманида ташкил этилган меҳнат ярмаркасида тумандаги 41 та корхона ва ташкилот 156 та бўш иш ўрни билан қатнашди.

Кегейли тумани Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказидан маълум қилишлари-ча, тадбир якунида 95 нафар ёш мутахассис ишли бўлган. Ярмарка доирасида хусусий тадбиркорлар ва миллий хунармандларимиз томонидан тайёрланган маҳсулотлар кўргазмаси намойиш этилди.

Кенгаш йиғилиши

Тошкент шаҳар Сергели туман ҳудудий Маънавият ва маърифат кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда тумандаги банк-молия муассасалари ҳамда "Ўздавбионазорат" инспекцияси тизимида олиб борилаётган маънавий-маърифий ишлар таҳлил қилиниди ва аниқланган камчиликларни тузатиш юзасидан тегишли чора-тадбирлар белгилаб олинди. Йиғилиш доирасида туманнинг Сергели-8 мавзесида бунёд этилган Тошкент шаҳар касб-хунарга ўқитиш марказида яратилган шарт-шароитлар, таълим йўналишлари ҳамда ўқитишнинг энг илгор технологияларига бағишланган тақдимоти тингланди.

Шахсий кўргазма

Пойтахтимизда рассом Иброҳим Валихўжаевнинг "Монтенегрода 21 кун" деб номланган шахсий кўргазмаси очилди.

Унда муаллифнинг "Черногория-2012" халқаро пленари асосида ишлаган 42 та асарни томошабинлар ҳукмига ҳавола этилди. Намойишга қўйилган картиналар ичида етук, мустақил асарлар ҳам бор. "Соҳил бўйидаги момақалди-роқ вақтида", "Сайёҳлар эски шаҳар кўчаларида", "Яхталар ва катерлар бекати оқшом пайтида" каби асарлар шулар жумласи қиради. И.Валихўжаевнинг ижоди рангтаъсир йўналишида яратилган миллий профессионал мактаб сифатида ёш мусаввирлар диққатини тортиши шубҳасиз.



● **ЭЛЕКТОРАТ МАНФААТИ**

Хунарманд ва касаначи

ЎЗМТДП ЭЛЕКТОРАТИ САНАЛГАН МАЗКУР СОҲА ВАКИЛЛАРИНИ ҚўЛЛАБ-ҚўВВАТЛАШГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛМОҚДА

Юртимизда азал-азалдан миллий хунармандчилик, касаначилик ва оилавий тадбиркорлик билан шуғулланиш миллий қадрият даражасига кўтарилган. Зеро, мазкур соҳа ривожини тўғридан тўғри қўллаш, турмушлари обод, дастурхонлари тўқин бўлган.

Асрлар оша яшаб келаётган миллий хунармандчилик истиқлол шарофати билан ривожланди. Бугунги кунда қадриятларимиз давомчилари фаолият юритиши учун ҳуқуқий, моддий ва маънавий шарт-шароитлар яратилган. Хусусан, банклар томонидан ажратилаётган кредитлар оилавий тад-

биркорлик, касаначилик ва миллий хунармандчиликни ривожлантиришда муҳим омил сифатида хизмат қилмоқда. Бу ўз навбатида фуқаролар, айниқса, ёшларни доимий иш билан таъминлаш имконини бермоқда.

3-бет

● **МУТОЛАА**

Бугуннинг қомусий дастури

Давлатимиз раҳбари Ислам Каримовнинг мустақиллигимизнинг йигирма йиллигига муносиб тўёна бўлган "Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида" деб номланган қомусий асари кенг жамоатчилик, айниқса, ёшлар томонидан ўзгача бир қизиқиш билан ўрганилмоқда.

Доно ўйлаб сўзлайди, Ҳам узоқни кўзлайди.
Халқ мақоли

Ўзидан эришилмаганлиги, мустақиллик Ислам Каримовнинг жасорати, қатъийлиги, мислсиз курашлари-ю, тинимсиз саъй-ҳаракатлари, беҳаловат кунлари-ю, уйқусиз тунлари эвазига қўлга киритилганлиги "Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида" асарида бутун буй-басти билан яққол кўрсатиб берилган. Ҳали шўролар ҳукумати нафас олиб турган, Кремль чокчокидан сўкилиб, бошига иқтисодий танглик савдоси тушган, давлатни бошқаришга ожизлик қилиб қолган, ёмғир ёғмаса ҳам осмон гулдураб турсин қабилида иш тутаётган, айна пайтида иттифоқдош республикалар унинг таркибида қолиш-қолмаслиги мавҳум бўлиб турган оғир бир даврда — 1989 йилнинг 23 июнь куни Ислам Каримов Ўзбекистон раҳбарлигига сайланди.

4-бет

● **ЎҚУВ-СЕМИНАР**

Олий Мажлис палаталарининг қўшма йиғилишида эълон қилинган Концепция мамлакатимиз тарққиётининг янги босқичини белгилаб берди. Унда илгари сурилган устувор вазифалар халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия депутатлик гуруҳлари зиммасига ҳам долзарб ва масъулиятли вазифалар юклатди. Хусусан, қонун ва қарорлар, ҳукумат дастурларининг жойлардаги ижросини таъминлаш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича олиб борилаётган ишларни жадаллаштиришда фаоллик ва ташаббускорлик кўрсатиш шулар жумласидандир.

Депутатлик назорати

ҚАНЧАЛИК КУЧЛИ БЎЛСА, ҲУДУДЛАР ИЖТимоий-ИҚТисодий ҲОЛАТИ ШУНЧАЛИК РИВОЖЛАНАДИ

ЎЗМТДП Жиззах вилоят Кенгаши ҳамда Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти вилоят ҳудудий бўлинмаси ҳамкорлигида "Жойларда депутатлик назоратини амалга ошириш ва ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал қилишда халқ депутатлари маҳаллий кенгашларидаги сиёсий партиялар депутатлик гуруҳларининг ўрни" мавзусида ўқув-семинар ташкил этилди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎЗМТДП аъзолари, халқ депутатлари маҳаллий кенгашларга партиядан сайланган депутатлар, ЎЗМТДП Жиззах вилоят, шаҳар ва туман Кенгаши Ижроия Кўмитаси раислари, БПТ етакчилари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этди.

— Юртимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар жараёнида сиёсий партия-



лар фаол иштирок этмоқда, деди ЎЗМТДП Жиззах вилоят Кенгаши Ижроия Кўмитаси раиси Файрат Қодиров. — Бунда халқ депутатлари маҳаллий кенгаш депутатлари алоҳида ўрин тутади. Шу боис улар фаолиятини кучайтириш, депутатлар фаолли-

гини ошириш, уларнинг партия ташкилотлари билан ҳамкорлигини янада мустаҳкамлашга ҳаракат қилмоқдамиз. Бугунги ўқув-семинар ҳам ана шундай мақсадларга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

2-бет

● **МЕРОС**

Истиқлол йилларида миллий қадриятларимизни ўрганиш, кўҳна тарихимизни қайта тиклаш масаласига катта эътибор қаратилди.

Тарих — миллат қиёфаси

Азалдан икки қадимий шаҳар — Самарқанд ва Бухорони бир-бирига боғлаб келаётган қадим Карманда ҳам бу борада эътирофга молик ишлар қилинмоқда.

Буюк боболаримиз, етук алломалар руҳи мангу макон толган бу юртда тарихий обидалар, муқаддас қадимжолар кўп. Жумладан, «Мир Саид Баҳром», «Мирзақорбоғ», «Работи Малик», «Шайх Хожа Хусрав», «Қосим Шайх» ёдгорлик мажмуалари халқимизнинг маънавий бойлиги сифатида асрлар оша инсонларни эзгулик ва меҳр-оқибатга чорлаб келмоқда.

Ҳудуддаги моддий ёдгорликларнинг археологик тадқиқотлари борасида қўллаб-қўллай илмий рисола-лар ва маълумотлар мавжуд бўлиб, бу манбалардан фойдаланган юртдошларимиз Кармана тарихи ҳақида тасаввур ва тушунчага эгадир.

5-бет

"Milliy tiklanish" газетасига обуна бўлинг!

Нашр кўрсаткичи — 158



СИЁСАТ

● ЯНГИ ЛОЙИХА

“Миллий тикланиш ғоясининг энг яхши тарғиботчиси”

АЙНИ ПАЙТДА ХУДУДИЙ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА ШУ НОМДА ТАНЛОВ БЎЛИБ ЎТМОҚДА



Истиқлол йилларида мамлакатимизда ҳуқуқий-демократик давлат қуриш, кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш борасида кенг қўламли, изчил ислохотлар амалга оширилмоқда. Жумладан, юртимизда фуқаролик жамиятининг муҳим институти бўлган сиёсий партияларнинг демократик кадрлар асосида фаолият юритишлари учун барча ҳуқуқий асослар яратилди.

Таъкидлаш жоизки, ҳар бир сиёсий партия ўз дастур ва ғояларида, авваломбор, мамлакатда истиқомат қилаётган фуқароларнинг манфаатлари, тинчлиги ва фаровонлигини таъминлашни мақсад қилган ҳолда ўзининг стратегик режаларини амалга оширишга интилади. Хусусан, Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси мустақиллик йилларида бошланган миллий

кадрларни тиклаш, ўзликни англаш, миллий ғояларни шакллантириш ва миллий мустақиллик мафқурасини мустаҳкамлаш каби ишларни изчил, босқичма-босқич ва тизимли равишда давом эттириш тарафдоридир. Маълумки, партия фаолиятини такомиллаштириш, кадрлар салоҳиятини ошириш, электрот манфаатларини ҳимоя қилиш, давлат ва жамият ҳаёти-

га оид муҳим қарорлар қабул қилишдаги фаол иштирокини таъминлаш борасидаги вазифаларни лойиҳалар орқали амалга ошириш муҳим аҳамият касб этади.

ЎзМТДПнинг мафқуравий йўналишдаги фаолиятини тизимли равишда лойиҳалар асосида кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, партия Марказий Кенгаши томонидан аъзолар ва электрот манфаатлари ижтимоий-иқтисодий онгини юксалтириш, ҳудудий партия ташкилотлари қошида тарғиботчи-нотиклар гуруҳини шакллантириш мақсадида “Миллий тикланиш ғоясининг энг яхши тарғиботчиси” танловини ташкил этиш ва ўтказиш лойиҳаси илгари сурилди ва уни ўтказиш бўйича Низом ҳамда иш режаси тасдиқланди. Мазкур танлов Ўзбекистон

Республикаси Конституцияси, қонунлари ва ЎзМТДП дастурий мақсадлари, мафқураси ва ғоясини аҳоли орасида кенг тарғиб қилиш, партия Кенгашлари қошида тарғиботчи-нотиклар гуруҳини шакллантириш, партия ташкилотлари фаолиятини Дастур ва Устав талаблари доирасида намунали йўлга қўйишда юқори кўрсаткичларга эришадиган ва Дастурнинг барча йўналишлари бўйича турли йўналишдаги лойиҳаларни амалга оширишда жонбозлик кўрсатаётган партия фаолларини рағбатлантиришни кўзда тутди. Шунингдек, партия ходимларининг сиёсий, маънавий, ижтимоий фаолигини ошириш, уларнинг ташаббус ва изланишларини қўллаб-қувватлаш, партия ташкилотларида соғлом рақобат муҳитини шакллантиришни мақсад қилган.

Танловнинг вазифаси партиянинг фаолият йўналишлари бўйича юқори натижаларга эришган, унинг ғоя ва мақсадларини аҳоли орасида тарғиб этишда жонбозлик кўрсатган партия фаоллари ва ходимларини аниқлаш, уларнинг иш тажрибаларини ўрганиш ва келгусида оммалаштиришдан иборатдир.

Танлов уч босқичда амалга оширилади. Биринчи босқич жорий йилнинг май-июль ойларида партиянинг туман ва шаҳар Кенгашларида бошлангич партия ташкилотлари иштирокида ташкил этилмоқда. Сентябрь-октябрь ойларида ўтказилиши кўзда тутилган иккинчи босқичда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар вакиллари ўзaro беллашади. Танловнинг сўнгги — учинчи, Республика босқичи жорий йилнинг декабрь ойи биринчи ўн кунлигида ўтказилади.

Ҳозирги кунда мазкур танловнинг туман ва шаҳар босқичлари давом этмоқда. Фурсаддан фойдаланиб унинг иштирокчиларига омад ва муваффақият тилаймиз. Мухтасар айтганда, бу каби танловлар партиянинг тарғибот-ташвиқот йўналишдаги фаолиятини янги сифат босқичига кўтариши шубҳасиз.

Хуснидин РАЖАБОВ

● МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРДА

Юртимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар жараёнининг бугунги босқичида партия ғоя ва мақсадларини кенг жамоатчиликка етказиш, кадрлар салоҳиятини юксалтириш, электрот манфаатларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш сиёсий партиялар олдидан турган энг долзарб вазифалардан бири саналади. Бу борада, айниқса, Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисида тақдим этилган Концепцияда илгари сурилган ғоя ва ташаббуслар сиёсий партиялар зиммасига алоҳида масъулият юклади.

Тарғибот тадбирлари

ЖАМОАТЧИЛИКНИНГ ИЖТМОИЙ-СИЁСИЙ ФАОЛЛИГИНИ ЮКСАЛТИРИШГА ҚАРАТИЛМОҒИ ЛОЗИМ

ЎзМТДП Андижон вилоят Кенгашининг навбатдаги йиғилишида партия дастурий мақсад ва вазифаларини бажаришда кадрлар салоҳияти ва фаолият самарадорлигини ошириш, бошлангич партия ташкилотлари фаолиятини такомиллаштириш, партия “Ёшлар қаноти”, “Аёллар қаноти” ишини ривожлантириш, тадбирлар сони ва савиясини кучайтириш каби қатор долзарб вазифалар муҳокама қилинди. Унда ЎзМТДПдан сайланган вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлари, вилоят Кенгаши Ижроия Қўмитаси девони ходимлари, партия шаҳар, туман Кенгашлари Ижроия қўмитаси раислари ва уларнинг ўринбосарлари, етакчи мухтаassisлар иштирок этди.

Йиғилишда “Жамиятнинг сиёсий-ҳуқуқий маданиятини оширишда партия етакчисининг долзарб вазифалари” мавзусида маъруза қилган ЎзМТДП Андижон вилоят Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси К.Отахонов ҳудудий ташкилотлар томонидан амалга оширилаётган ишлар хусусида тўхталиб,

жумладан, шундай деди:

— Жорий йилнинг ўтган даврида ҳудудий партия ташкилотлари томонидан 600 дан ортиқ тарғибот тадбирлари ўтказилди. Эътиборли жиҳати, ушбу тадбирларнинг аксарият қисми аҳолининг сиёсий-ҳуқуқий маданиятини оширишга қаратилди. Маълумки, ЎзМТДП бугунги кунда дастурий мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда аҳолининг сиёсий-ҳуқуқий онгини ўстириш, билим ва кўникмаларини мустаҳкамлаш, жамиятда содир бўлаётган ижтимоий-сиёсий ўзгаришларга дахлдорлик туйғусини кучайтиришга қўмақлашишга ҳаракат қилмоқда. Шу боис жамоатчиликнинг сиёсий дунёқараши, билим ва савиясини юксалтиришда ташкил этилаётган тадбирларнинг таъсирчанлиги ва самарадорлигини ошириш долзарб аҳамият касб этмоқда. Бунда, албатта, партия сафида фаолият олиб бораётган кадрлар малакаси, билими ва етакчилиги муҳим саналади.

Дарҳақиқат, истиқлол йилларида мамлакатимизда мустақил-

лик ғояларига содиқ, интеллектуал тафаккури кенг авлод воғая етмоқда. Уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қўмақлашиш партиянинг асосий вазифалари сирасига кириди ва бундай масъулиятли вазифаларни бажариш учун куч, шарт-шароит ва имкониятлар етарли даражада. Модомики шундай экан, ЎзМТДП Андижон вилоят Кенгаши ўз фаолиятини танқидий-таҳлил қилиб, уни кучайтириш борасида тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқиши лозим.

Шундан сўнг ЎзМТДП Андижон шаҳар Кенгаши раиси ўринбосари, халқ депутатлари шаҳар Кенгаши депутати А.Абаев “Партия фаолиятини ривожлантиришда депутатлар билан самарали ҳамкорликни йўлга қўйишнинг аҳамияти” мавзусида маъруза қилди. Нотик ўз сўзида маҳаллий Кенгаш депутатлари бошлангич партия ташкилотлари билан яқин ҳамкорлик ўрнатилари мақсадида мувофиқлигини таъкидлади. Партия Андижон шаҳар Кенгаши, БПТ ҳамда депутатлик гуруҳлари билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирлар партия дастурий мақсад ва сайловолди Платформасида белгиланган вазифаларга мослиги, амалдаги қонунлар ижроси, мазмун-моҳияти тарғиботи, партия ғояси ва мафқураси партия аъзолари ҳамда хайрихоҳлари сафининг кенгайишига хизмат қилмоқда.

Йиғилишда партиянинг Жалакудук, Хўжаобод, Бўз ва Кўргонтепа туманлари фаолиятини намунали деб эътироф этилди. Шаҳрихон ва Марҳамат туманларида йўл қўйилган камчиликлар сабабларини ўрганиш, танқидий-таҳлил қилиш ҳамда бартараф этиш юзасидан тегишли тақлиф ва тавсиялар берилди.

Қамола АБДУВАЛИЕВА,
ЎзМТДП Андижон вилоят Кенгаши Ижроия қўмитаси девони мутахассиси

● ПАРТИЯЛАРО МУНОЗАРА

Амалий саъй-ҳаракат

САЙЛОВЧИЛАР ИШОНЧНИ ҚОЗОНИШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Сиёсий партиялар фаолиятида халқ депутатлари маҳаллий кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари муҳим аҳамият касб этади. Боиси улар партия ғоя, дастурий мақсадлари ҳамда сайловолди Платформасида белгиланган вазифалар ижросини жойларда таъминлашда асосий роль ўйнайди. Бу эса маҳаллий кенгашлар депутатларидан чуқур билим ҳамда ташаббускорликни талаб этади.

Бироқ, айрим туман, шаҳар ва вилоят кенгашларига сайланган депутатлар партия дастурий мақсадларини амалга оширишга маъсулиятсизлик билан ёндашиб, йиллар давомида сўнг саклашни ўзларига эп кўришмоқда. Бунинг Бухоро туман Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутатлар фаолияти мисолида ҳам кузатиш мумкин. ЎзМТДПдан сайланган депутатлар маҳаллий кенгаш сессияларида ўз электрот манфаатларига дахлдор масалаларга маҳаллий ҳокимият эътиборини қаратишда сусткашликка йўл қўймоқдалар. Хусусан, жорий йилнинг ўтган даврида халқ депутатлари туман Кенгашининг 4 та сессияси бўлиб ўтган. Шундан 2 тасида халқ депутатлари Бухоро туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлари қўшма мажлис ўтказилган. Сессияларда асосан ҳудудий ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳолини иш билан бандлигини таъминлаш каби масалалар муҳокама этилди. Ажабланарлиси, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами манфаатларини ҳимоя қилишга қўмақлашишни мақсад қилган ЎзМТДП депутатлик гуруҳи вакиллари бу борада биронта тақлиф ёки ташаббус билан чиқмаган.

Ваҳоланки, ЎзМТДП сайловолди ҳаракат дастурида: “Энг аввало, бу — иқтисодийта банд

бўлмаган меҳнатга лаёқатли аҳоли, ижтимоий ҳимояга муҳтож ва ишга жойлашишда қийинчиликларга дуч келаётган, кам таъминланган оилалар, ўрта махсус касб-хунар ва олий таълим муассасаларини таъминлаётган ёшлар, имконияти чекланганлар ва пенсионерлар, педагоглар, тиббиёт ходимлари, аҳолига ижтимоий-хизмат кўрсатадиган ва унинг қўмакга муҳтож қатламини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга ҳисса қўшаётган бошқа соҳаларнинг ходимлари ҳам ЎзМТДПнинг электротрати ҳисобланади ва улар манфаатларини ҳимоя қилади” деган ваъдалар берилган. Партиянинг ушбу дастурий мақсадлари туман доирасида анчайин суст бажарилаётгани сабабларини таҳлил қилганимизда, нафақат партиянинг депутатлик гуруҳи, шу билан бирга унинг туман ташкилоти фаолияти ҳам замон талаблари даражасида эмаслиги кўзга ташланди. Хусусан, ЎзМТДП дастурий ғоя ва мақсадларини амалга оширишда партия ташкилоти билан депутатлик гуруҳи ўртасида ўзаро ҳамкорликнинг яхши йўлга қўйилма-

— Бугунги кунда “Шергерон” ҚФЙда 35 та ижтимоий ҳимояга муҳтож оила истиқомат қилади, - дейди қишлоқ фуқаролар йўғини раиси котиби Нурхон Атоев. — Улардан 18 таси давлат томонидан қўллаб-қувватланмоқда, яъни уларга ижтимоий нафақалар ажратилган. Ва яна 4 та оилга имтиёзли кредит олиши учун ёрдан берилди.

Биз ҳудудда аҳолини иш билан таъминлаш, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жараёнида сиёсий партиялар ва улардан халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларга сайланган депутатлар иштироки билан қизиқдик.

— Юртимизда амалга оширилаётган демократик ислохотлар аввало инсон тақдирини, унинг бахтли ҳаёт кечиришига қаратилган, - дейди Н.Атоев. — Бу борада барча жойларда бўлгани каби Бухоро туманида ҳам бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Бунинг “Шергерон” ҚФЙда истиқомат қилаётган партиянинг гап-сўзи ва кайфиятидан ҳам билиш қийин эмас. Лекин, ЎзМТДП ва бошқа сиёсий партиялар ва улардан сайланган маҳаллий Кенгаш

ЎзМТДП ва бошқа сиёсий партиялар ва улардан сайланган маҳаллий Кенгаш депутатлари гап-сўздан нарига ўтишолмапти. Хусусан, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш борасида ҳам ҳеч қандай амалий саъй-ҳаракат кузатилгани йўқ.

ганлиги, шунингдек, партиянинг брендида айланган жамоатчилик қабулхоналари фаолиятидаги қатор камчиликлар одамларда мазкур партияга нисбатан ишончни камайтирмоқда.

Ўрни келганда таъкидлаш лозимки, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг муҳим воситаларидан бири уларнинг бандлигини таъминлашдир. “Маҳалла” хайрия жамоат фонди туман бўлими маълумотларига кўра, бугунги кунда мазкур ҳудудда кам таъминланган оилалар ҳам мавжуд. Ҳукуматимиз томонидан уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

депутатлари гап-сўздан нарига ўтишолмапти. Хусусан, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш борасида ҳам ҳеч қандай амалий саъй-ҳаракат кузатилгани йўқ. Сайловчиларга муносабат, уларга берилган ваъдаларнинг қай даражада амалга ошгани, уларнинг партияга бўлган ишончи ва муносабатини белгилайдими. Бу ҳақиқатни ЎзМТДПдан халқ депутатлари Бухоро туман Кенгашига сайланган депутатлар билишармикан?

Маннон ОТАБОЙ,
“Milliy tiklanish” мухбири

● ЎҚУВ-СЕМИНАР

Депутатлик назорати

ҚАНЧАЛИК КУЧЛИ БЎЛСА, ХУДУДЛАР ИЖТМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ҲОЛАТИ ШУНЧАЛИК РИВОЖЛАНДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ўқув-семинарда ЎзМТДП дастурий мақсадлари ва электрот манфаатларидан келиб чиққан ҳолда депутатлик назоратини амалга ошириш, депутатлик гуруҳларининг партия ташкилотлари билан ўзаро алоқасини мустаҳкамлашга хизмат қилувчи ташкилий-ҳуқуқий ишларни такомиллаштириш, маҳаллий кенгаш депутатларининг депутатлик назоратидан самарали фойдаланиш усуллари ишлаб чиқиш каби долзарб масалалар муҳокама қилинди.

Партия фаоллари ва депутатларнинг тақдирларида депутатлик гуруҳи аъзоларининг депутатлик сўрови ҳуқуқидан фойдаланиши, электротнинг ижтимоий қизиқишлари ва эътиёжларини аниқлаш усуллари, муаммо ва вазифаларни бартараф қилишда маҳаллий Кенгаш, бошлангич партия ташкилотлари ва депутатлик гуруҳларининг фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлигини мустаҳкамлаш каби мавзудан ўз аксини топди.

ва сайловолди Платформасида белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда такомиллаштириш, электрот манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда сайловолди йўналишлардан масалаларни туман, шаҳар ва вилоят Кенгашлари сессияларига олиб чиқиш каби масъулиятли вазифалар устида янада шижоат билан ишлашни тақозо этади. Ўйлаётганимиз, ушбу семинар келгуси фаолиятимизда ўз натижасини беради.

Сардор РАСУЛОВ,
ЎзМТДП Жиззах вилоят Кенгаши Ижроия қўмитаси девони раҳбари:

— Айни пайтда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларида ЎзМТДП дан сайланган 60 нафардан ортиқ депутат фаолият юритмоқда. Улар партия дастурий мақсад ва сайловолди Платформасида белгиланган вазифаларни жамоатчилик орасида тарғиб қилиб, электрот ва партия ижтимоий қатламини йўлантираётган масалаларни бартараф этишга интиломоқдалар. Аммо, бу борада айрим депутатлар ҳамон сусткашликка йўл қўймоқда. Бугунги ўқувда масаланинг ана шу жиҳатлари танқидий-таҳлил қилинди. Жойлардаги ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал этиш, депутатлик назорати ва сўровларини ўтказиш, фуқаролар муносабатларини ўрганиш юзасидан қатор тақлиф ва тавсиялар берилди.

ЎзМТДП Сирдарё вилояти Кенгаши, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти вилоят ҳудудий бўлинимаси ҳамкорлигида ўтказилган ушбу мавзудаги ўқув-семинарда ҳам партиядан маҳаллий Кенгашларга сай-

ланган депутатлар ва депутатлик гуруҳларининг депутатлик назоратини амалга ошириш, улар фаолиятини такомиллаштириш, жойлардаги ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этишдаги роли ҳақида сўз борди.

Ўқув-семинарда сўзга чиққан ЎзМТДП фракцияси аъзоси Олтино Эсонова, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти ҳудудий бўлинимаси раҳбари Солижон Қудратов, ЎзМТДПнинг халқ депутатлиги вилоят кенгашидаги депутатлик гуруҳи раҳбари Шомурод Холмуродов партия ташкилотлари ва маҳаллий кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари ҳамкорлигида электрот манфаатларини ҳимоя қилиш, ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, фуқароларнинг қонуний ҳақ-ҳуқуқларини таъминлаш устида депутатлик назоратини кучайтириш ҳақидаги фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Ўқувда халқ депутатлари Оқолтин, Ховос, Сайхунобод ва Сардоба туман Кенгашларига ЎзМТДПдан сайланган депутатлар ва партия фаоллари ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш жараёнида сусткашликка йўл қўяётгани танқид қилинди.

Семинарда, шунингдек, қишлоқ жойларда ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, оилавий тадбиркорлар ва хунармандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, улар манфаатини ҳимоя қилиш юзасидан маҳаллий Кенгаш сессияларига масалалар киритиш юзасидан аниқ тақлиф ва тавсиялар берилди.

Семинар сўнгиде партия ташкилотлари ва депутатлик гуруҳлари фаолиятини кучайтириш юзасидан ижтимоий сўров ўтказилди.

Жўрабек ШЎХБЕРДИЕВ,
халқ депутатлари Сирдарё вилоят Кенгаши депутати:

— Ўқув-семинарда депутатлар фаолиятига ҳаққоний баҳо берилди. Дарҳақиқат, бугун маҳаллий кенгашлардаги депутатлик гуруҳларининг барчаси талаб даражасида ишлаяпти, деб бўлмайди. Қўллаб партия ташкилотлари ва депутатлик гуруҳларида партиянинг Ҳаракат дастурида белгиланган вазифалар ижроси таъминланмоқда. Билдирилган танқидлардан тегишли хулоса чиқарган ҳолда биз депутатлар ўз фаолиятимизни ошириб, сайловчилар билан самарали ишлаш тизимини такомиллаштиришимиз лозим.

Холниса НИЁЗОВА,
халқ депутатлари Мирзобод туман Кенгаши депутати:

— Семинарда депутатлик сўровини ва депутатлик назоратини амалга ошириш юзасидан зарур тавсияларни олдик. Туман кенгашидаги депутатлик гуруҳи аъзолари билдирган фикр-мулоҳазалардан келиб чиққан ҳолда, ҳудудий ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш юзасидан аниқ тақлифлар ишлаб чиқиб, навбатдаги туман Кенгаши сессияси кун тартибига киритишни мақсад қилдик. Айтиш жоизки, фаолиятимиз давомида партия сайловолди Платформасида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб туманда миллий хунармандчиликни ривожлантириш, мазкур соҳага оид қонунлар ижросини ўрганиш, ушбу йўналишда эндигина иш бошлаган электрот вакиллари ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга ҳисса қўшмоқдамиз. Семинарда таъкидлангандек, партия халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлар депутатлари салоҳияти ва ваколатидан самарали фойдалансалар, электрот манфаатлари ҳимояси таъминланиб, фуқароларнинг партияга ишончи янада кучаяди.

Дилноза ХАЙИТОВА,
Анорбой НОРҚУЛОВ,
“Milliy tiklanish” мухбирлари

ДЕПУТАТЛИК БИРЛАШМАЛАРИ

● МУТОЛАА

Бугуннинг қомусий дастури

(Давоми. Боши 1-бетда)

Бу пайтда қизил империя қандай йўл билан бўлмасин, юртимизни хомашё базаси сифатида олиб қолишга тиш-тирноғи билан ёпишган, бунинг устига аҳолининг ижтимоий-иқтисодий аҳолига ночорлигидан фойдаланган бузғунчи кучлар томонидан Фарғона вилоятда ташкил этилган оммавий тартибсизликлар авжига чиққан эди. "Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида" асарига киритилган "Биз бундан буён эскича яшолмаймиз ва бундай яшашга замоннинг ўзи йўл қўймайди" деб номланган маъруза давлатимиз раҳбарининг ўзбек халқининг юрт парвар раҳномоси сифатида азиз Ватанимиз мустақиллиги учун астойдил бел болаганлигини, шу боис халқ орасига кириб, унинг қалбига кулоқ тутиб, дардага малҳам бўлиб, бутун кучини, билим ва тажрибасини ишга солиб, эзгу мақсад йўлида олдинга, фақат олдинга интилганлигини кўриш мумкин.

Эътироф этиш керакки, мазкур нутқ мазмун-моҳияти билан шахсининг маънавий, ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, ўз йўлини танлаши, уни янгича фикрлаш, ўз ақли-заковати билан узоқни кўзлаб иш тутиш, кенг мушоҳада эгаси бўлиш, воқеалардан тегишли хулоса чиқариб олиш учун тарихий аҳамият касб этади. Айниқса, фарзандларимизни миллий истиқлол ғоялари руҳида тарбиялашда давлатимизнинг янги даври (1989-1991) саҳифаларини ўқиб, ўрганишларида, бугунги доруломон кунлар нималар эвазига ва қандай қилиб кўлга киритилганлигини туб илдизига ачанглашларида бекиёс ўрин тутди.

Давлатимиз раҳбарининг Фарғона воқеалари асосида республикамиздаги ижтимоий-иқтисодий аҳолини чуқур таҳлил қилиши, руҳиятида ўзгариш сезилмаган раҳбарларни хотиржамлик ва бепарволик балосидан қўтилишга чақирishi, ёш кадрларни тарбиялаш, уларга илгор иш усулларини сингдириш бўйича би-

рон бир иш қилинмаётганлигини кескин танқид қилиши, бу борада Жанубий Корея, Таиланд, Гонгконгда етишиб чиқаётган кадрлар салоҳияти, улар яратаётган мўъжизалар бизга ибрат бўлиши кераклигини уқтириши, умуман, ёшларимизни эътибордан четда қўймаслигимиз, бундай хатога йўл қўядиган бўлсак, уларни бегоналар қўлига бериб қўйишимиз мумкинлигини ва деҳқончилик ишларини далада ишлайдиган одамларга ишониб топшириш лозимлигини куйинчаклик билан гапирishi концептуал мақсадларнинг туғилишига асос бўлганлигини кўриш мумкин.

Бундай мақсад ва вазибалар Фарғона водийси аҳолисининг моддий фаровонлигини ошириш, бунинг учун иш ўринлари ташкил этиш, яъни одамлар ўзлари яшаётган жойдан узоққа кетмай самарали меҳнати ҳисобидан керакли даромадга эга бўлишини таъминлаш, шу вилоятда йиғилиб қолган муаммоларни ечиш учун амалий тақдир ва хулосалар тайёрлайдиган ишчи гуруҳини ташкил этиш ва дастур ишлаб чиқиш, раҳбарларнинг масъулиятини ошириш, одамларга ва ишга бўлган муносабатини ўзгартириш, шунингдек, ёшлар муаммолари билан жиддий шуғулланишдан иборат эди. Бундай саъй-ҳаракатлар, чиндан ҳам эскича яшашга йўл қўймас эди.

"... Агарки, биз Фарғонада содир бўлган воқеалардан зарур сабоқ чиқариб олмасак, дейди Давлатимиз раҳбари 1989 йилнинг 24 июнь куни Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Кенгашида сўзлаган нутқида, — агарки биз халқимизга воқеалар жоловини қўлга олганимизни ва биз бу масалаларни ҳал этишга ҳаракат қилаётганимизни кўрсатмасак, агарки, одамлар бу борада бизга ишонмас, ишонинглар, ҳар қандай дақиқада ва ҳар қандай жойда ижтимоий буртлаш юз бериши мумкин. Биз одамларни ташвишга солаётган масалаларни ҳал қилишга киришганимизни улар амалда ҳис қилиши лозим. Бугунги мажлис шу йўлда-


ги биринчи қадам бўлиб хизмат қилиши керак!"

Кенгашнинг эртасигаёқ, Фарғонага тўс-тўпалон алангаси ичига шиддат билан кириб борган Ислоҳ Каримов қаҳр-ғазабга тўлган одамлар қалбига кулоқ тутиб, юзма-юз гаплашиши, дарду-ҳасратини тинглаши ва бутун масъулиятни ўз зиммасига олиб, чарсиллаб турган ўта долзарб муаммоларни ҳал этишда ҳозиржавоблик билан аниқ чора-тадбирлар қўллаши одамлар жароҳатларига малҳам бўлиб, кўнгилларини кўтарди, сўнган умид ва ишончларига ҳаёт бахш этади.

Фарғона воқеаларининг асл сабаби водий аҳолисининг тобора ачинарли бўлиб бораётган ижтимоий-иқтисодий аҳоли билан боғлиқлиги Давлатимиз раҳбари томонидан таҳлиллар билан исботлаб беришга, турлича талқин ва шовшувларга ҳам нуқта қўйилди. Кўриниб турибдики, Президентимиз сўзи билан иши бирлигини фаолиятининг биринчи кунлариданоқ республикадаги катта-ю кичик барча раҳбарларга ибрат сифатида амалда яққол кўрсатиб, бошқаларни шундай бўлишга ундаган. Бу ҳам унинг тинч-товушлик, ҳамжиҳатлиги ҳамкорлик, энг муҳими, халқимизнинг эрки, юртимизнинг озолигию, ободлиги сари яна бир мустаҳкам қадам қўйганлигидан дарак беради.

Мухтасар айтганда "Бугуннинг қомусий дастури" деб аташ мумкин бўлган "Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида" асаридан жой олган "Биз бундан буён эскича яшолмаймиз ва бундай яшашга замоннинг ўзи йўл қўймайди" нутқи ўзини Ўзбекистон фарзандиман деган ҳар бир инсонни шу муқаддас юртининг бугунги, эртаси ва келажги учун масъул эканлигини чуқур идрок этишга, яқдиллик, ҳамжиҳатлиги ҳамкорлик билан олижаноб ниятларини амалга оширишда, давлатимизнинг янада гўзал, янада қудратли ва янада нуфузли бўлишида муносиб ҳисса қўлишга қалбимизда кўнгирик мосиланг-раб туриши билан ғоятда ибратли ва қимматлидир.

Нуриддин ОЧИЛОВ



Кизгин муҳокама

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар, бунёдкорлик жараёнлари фуқаролар манфаати ва фаровонлигига қаратилган.
Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисида тақдим этилган "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси" бу борадаги ислохотларнинг янги босқичини бошлаб бериши. Концепцияга мувофиқ, жойларда қонун устуворлигини таъминлаш, аҳолининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, юртимизда ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнларида фаол иштирок этиш сиёсий партиялар зиммасига масъулиятни вазибаларни юклатмоқда. Бунда, айниқса, халқ депутатлари туман, шаҳар ва вилоят Кенгашлари депутатлари муҳим ўрин тутди.

● ДЕПУТАТ МИНБАРИ

Ишонч ва масъулият

ФАОЛЛИККА УНДАЙДИ

Дарҳақиқат, бугунги кунда партия дастурий мақсад ва вазибаларидан келиб чиққан ҳолда электорат манфаатларини ҳимоя қилиш, юртимизда амалга оширилаётган демократик ислохотларда фаол иштирок этиш, сайловчилар ва партия ижтимоий қатламни ўйлантираётган масалалар юзасидан туман, шаҳар ҳамда вилоят Кенгашлари сессияларида муқобил тақлифлар билан чиқиш маҳаллий Кенгаш депутатлари олдида турган долзарб вазибалар сирасига кирди. Жумладан, халқ депутатлари Қамаш туман Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутатлар туман Кенгаши сессияларида партия дастурий мақсад ва сайловчи Платформасида белгиланган вазибалардан келиб чиққан ҳолда худудда учраётган айрим долзарб ижтимоий-сиёсий масалалар юзасидан тақлиф ва ташаббусларни кўтариб чиқмоқда. Масалан, ЎзМТДП депутатлик гуруҳи томонидан туман Кенгаши сессиясига белгиланган иш режасига мувофиқ "Кўкбулоқ" ҚФЙда аҳоли бандлиги, хусусан ёшлар учун янги иш ўринларини яратишни кучайтириш юзасидан тақлиф киритилди ва ма-

салани ҳал қилиш борасида тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Шунингдек, Президентнинг 2009 йил 26 январдаги "Озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдирish юзасидан қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори ва жорий "Мустаҳкам оила йили" давлат Дастури ижросини жойларда таъминлаш, худудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, ёш оилаларни моддий-маънавий қўллаб-қувватлаш борасида турли тарғибот тадбирлари ва учрашувлар ташкил этилмоқда.

Эътиборлиси, олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар аҳолининг ижтимоий-иқтисодий аҳолини янада барқарорлаштириш, аввало, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, оилавий бизнес, касаначилик ва сервис соҳасини ривожлантиришга қаратилмоқда.

Бунинг учун қишлоқларда янги мени технологиялардан фойдаланиш, маҳаллий маҳсулотлар ишлаб чиқаришда кредит линиялари очилган ва мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорлик ўрнатилган қаратилган тарғи-

бот-ташвиқот ва амалий ишлар йўлга қўйилмоқда. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, аждодларнинг бой тарихий, маънавий мероси, қадимий қадимжов ва зиёратгоҳларни кўз қорачигидек асраш ҳамда келгуси авлодларга беками-кўст етказишга кўмаклашиш ЎзМТДП дастурий мақсад ва вазибаларидан бири саналади. Хусусан, "Чуқур" қишлоғида кўприк қурилиши, Лангар-Ота зиёратгоҳини таъмирлаш ишларига ҳомийларни жалб этиш ва янада ободонлаштирилишига кўмаклашилди. Ёчимини кутаётган айрим масалаларга доир тегишли идора мутасаддиларига депутатлик сўрови асосида муножаат қилинган бўлса, айримларини бартараф этиш юзасидан зарур чора-тадбирлар ишлаб чиқилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, маҳаллий Кенгаш депутатлари сайловчи ишончини чуқур ҳис қилган ҳолда жамоат ва электорат манфаатларини ҳимоя қилишга ҳаракат қилмоқдалар.

Сайдулла ХОЛИЯРОВ,
халқ депутатлари
Қамаш туман Кенгаши
депутати

● АЁЛЛАР ҚАНОТИ

Аёллар манфаати

ҲАМИША УСТУВОР

Таъкидлаш жоизки, вилоятимизда истиқомат қилаётган 883 минг 257 нафар аҳолининг 435 минг 936 нафарини хотин-қизлар ташкил этади. Уларнинг 50 мингдан ортиги вилоят санаот корхоналари ва қурилиш ташкилотларида, қишлоқ хўжалик соҳасида меҳнат қилмоқда. Кўпчилик хотин-қизлар ўз фермер хўжалиқлари ва кичик корхоналарига эга. Қувонарлиси, бугун орамизда қанчадан-қанча фан номзодлари, шоирлар, тиббиёт ходимлари, ҳуқуқшунослар, қўли гул хунарманд аёллар бўлиб турган эришаётган ютуқлар алоҳида мавзу. Асосийси, аёлларимиз нафақат жамият таянчи, балки ўз оилаларининг кўрки, фарзандларининг бахту-камолига масъулдирлар. Жорий йилнинг "Мустаҳкам оила йили" деб номланиши эса Хотин-қизлар қўмиталари зиммасига ҳам ниятда катта масъулият юклатди.

— Вилоятда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, оилаларда соғлом муҳитни шакллантириш борасида амалга оширилаётган ишлар хусусида таътилсангиз?

— Маълумки, оиланинг мустаҳкам бўлиши энг аввало она аъзоларининг саломатлигига боғлиқ. Киши соғлом бўлсагина соғлом фикрлай-

ди, оиласига ва жамиятга "Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча-чора тадбирлар тўғрисида"ги ҳамда "2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини муостаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва баркамол авлодни воёга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида"ги қарорининг ҳаётга татбиқ этилиши инсонлар саломатлигини муҳофаза қилиш борасидаги саъй ҳаракатларимизни янада жадаллаштирди. Айни пайтда вилоятимизда 10 та тиббиёт бирлашмаси, 8 та диспансер, 174 та амбулатор поликлиника муассасаси мавжуд. Замонавий тиббий муассаса сифатида шаклланаётган қишлоқ врачлик пунктларининг сони эса 137 та, қишлоқ участка шифохоналари 12 тани ташкил қилади. Вилоятимизнинг энг чекка худудларида ҳам жаҳон андозларига мос, замонавий шифо масканлари барпо этилиб, энг сўнгги русумдаги тиббий ускуналар билан жиҳозланган.

Оилаларда тиббий маданиятни ошириш, ниқоҳланувчи ёшларни шифокор кўригидан ўтказиш, қизларнинг

эрта турмушга чиқишини олдини олиш, туғиш ёшидаги аёллар, ўсмир қизлар ва болаларни соғломлаштириш соҳа ходимларининг доимий диққат марказидаги муҳим масаладир.

Вилоятимизнинг барча маҳалларида аҳолининг репродуктив саломатлигини муостаҳкамлашга қаратилган тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилмоқда. Жойлардаги МФЙларнинг доимий маърифат, ахлоқий-тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари ва оилавий поликлинника шифокорлари доимий равишда ҳар бир хонадонда бўлиб тиббий кўрик ишларини олиб бормоқдалар. Бу борадаги ишларнинг самарали ташкил этилганлиги натижа-сида жорий йилнинг ўтган ойларида вилоятда оналар ўлими кўрсаткичлари қайд этилмади.

— ЎзМТДП аъзоси, мазкур партиядан сайланган депутат сифатида вилоятда хотин-қизларнинг сиёсий ҳаётини янада кучайтириш борасида қандай фикрдасиз?

— Вилоятимизда 14176 нафар аёл сиёсий партияларга аъзо. Шулардан 3599 нафари, яъни 48 фоизи ЎзМТДП аъзолари. Аъзолар билан мунтазам иш олиб бориб, хотин-қизларни партия сафарига ва умуман ижтимоий-сиёсий жараёнларга янада кўпроқ жалб этишимиз лозим. Бу вазифада мафкуравий тарғибот ишларидан самарали фойдаланиш, ўтказилган тадбирларнинг мазмун-моҳиятига чуқурроқ эътибор қаратиш зарур.

Таъкидлаш ўринлики, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги қонуннинг 22-моддасига сиёсий партиялар томонидан депутатликка кўрсатиладиган номзодларнинг камида 30 фоизи хотин-қизлардан иборат бўлиши ўзига ҳақли норма қилинган. Бу эса хотин-қизларга бўлган юксак эътиборнинг далолатидир. Аёллар мана шу имкониятдан фойдаланган ҳолда ўзининг сиёсий билимини доимий равишда ошириб бориши, юртимизда кечаётган изчил ислохотлар жараёнида фаоллик кўрсатиши мақсадга мувофиқ.

Мафкуравий кураш шиддатли тулаётган бир пайтда айрим хотин-қизларимиз, айниқса, ёшлар билиб-билмай турли оқимлар таъсирига тушиб қолмоқдалар. Тинч ва осойишта ҳаётимизга раҳна солмоқчи бўлган фикри тубан кимсалардан фарзандларимизни ҳимоя қилиш, уларнинг онгу шуурида Ватанга мухаббат, юртга фидоийлик тушунчаларини шакллантириш учун аввало хотин-қизларнинг сиёсий ҳуқуқий саводхонлигини ошириш талаб этилади. Мазкур вазибаларни тўлақонли бажариш эса партияимиз ҳузур-хотин-қизларни партия сафарига ва умуман ижтимоий-сиёсий жараёнларга янада кўпроқ қатнашмаси билан боғлиқ. Бу масъулиятни теран англаб фаолият олиб бораётган партия "Аёллар қаноти" етакчилари жойларда турли тарғибот тадбирларини ташкил этмоқдалар. Жумладан, жорий йилнинг

феврал ойида "Аёллар қаноти" ташаббуси билан Қони-мех туманида "Миллий қадрият — олий неъмат" мавзусида қанот-танлов ўтказилди. Хотин-қизлар ўртасида миллий гуруҳ, Ватанга садоқат, қадриятларга ҳурмат тўғрисида кучайтириш мақсадида ўтказилган тадбирда ЎзМТДП аъзоларидан 6 нафар хотин-қиз мавзу доирасида унутилмас удумлар ва боқий қадриятларни тарғибот этиш бўйича ўзаро куч синашдилар.

Шунингдек, йил дастури доирасида жорий йилнинг ўтган даври мобайнида "Аёллар қаноти" томонидан "Миллий хунармандчилик-миллий қадрият, уларни ривожлантиришда ва асраб-авайлашда хотин-қизларнинг роли", "Мамлакатимиз тараққиётида хотин-қизларнинг ўрни", "Хотин-қизларнинг оила ва жамиятдаги ўрни: ҳуқуқий қанотлар ва уларнинг амалиётда қўлланилиши", "Аёллар маънавияти-баркамол авлод тарбиясининг муҳим омил", "Дониолик ва ташаббускорлик — сиёсий етакчилик мезони" мавзуларида кўплаб тадбирлар ўтказилди. Ўтказилаётган тарғибот ишларида партия электоратининг, айниқса, хотин-қизларнинг сиёсий фаоллигини ошириш орқали уларда ўз ҳуқуқларини ўзлари ҳимоялаш кўникмаларини ҳосил қилишга алоҳида эътибор қаратилаётганлигини таъкидлаш ўринли.

Ўралой ТУРДИЕВА,
"Milliy tiklanish"
мухбири

Юксак иқтисодий салоҳиятга эга бўлган Навоий вилояти тараққиётида, юртининг янада гуллаб-яшнашида худуд хотин-қизларининг муносиб ҳиссаси борлигини эътироф этиш жоиз.

Навоий вилоят ҳокимининг ўринбосари, вилоят Хотин-қизлар қўмитаси раиси, халқ депутатлари Навбахор туман Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат **Анора БОБОМУРОДОВА** билан бўлган суҳбатимиз ҳам айнан хотин-қизлар манфаатларини ҳимоялаш, уларга муносиб турмуш шароити яратиб бериш, иқтидорли хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш йўналишида вилоятда амалга оширилаётган ишлар хусусида кечди.

— **Жорий йилнинг "Мус-**

тахкам оила йили" деб номланиши жамиятимиз гултожи бўлган аёлларга кўрсатилаётган гамхўрликнинг яна бир ёрқин ифодаси бўлди, десак му- болога бўлмайди.

— Дарҳақиқат, шарқда қадимдан оила муқаддас маскан сифатида улуғланган. Зеро, оила соғлом ва мустаҳкам бўлса, маҳаллада тинчлик ва хотиржамлик барқарор бўлади. Бинобарин, маҳалласи осойишта бўлган давлатда тараққиёт кузатилади. Мамлакатимизда оила мустаҳкамлиги масаласига умумдавлат миқёсида эътибор қаратилаётганлиги унинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий-маърифий вазибалар тизимидаги ўрни ва аҳамиятининг юксалишида намёнён бўлмоқда.

МАЪНАВИЯТ

● МАЪРИФАТ

Истиқлол олималари

САФИ КЕНГАЙИБ БОРМОҚДА

Муस्ताқиллик йилларида аёлларга бўлган юксак ҳурмат, эътибор ва ғамхўрлик давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Уларнинг сиёсий-ижтимоий фаоллигини янада ошириш, жамият ҳаётидаги роли ва таъсирини кучайтириш, хотин-қизлар истеъдодини тўла намойиш қилиш учун барча шарт-шароитлар яратилди. Чунки, келажак авлод-фарзандлар тарбияси, иқтисод, оилалар мустақамлиги, жамиятдаги интеллектуал салоҳият, маънавият ва маданият, илм-фан соҳасида эришилган ютуқлар шу жамият тараққиётига хотин-қизларнинг қўшадиغان ҳиссаси ва ўша жамият аёлларга бўлган муносабати ҳамда эътибори билан белгиланади.

деди анжуманда сўзга чиққан атоқли руҳшунос олима, педагогика фанлари доктори, профессор Шахнозаҳон Халилова. — Таълим-тарбия тизимини тубдан ислоҳ қилиш, уни замон талаблари даражасига кўтариш, миллий кадрлар тайёрлашнинг янги тизимини барпо этиш, баркамол, салоҳиятли авлодни тарбиялаш ҳозирги кунда давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланган экан, бу соҳада, айниқса, олималаримиз ўзларининг фидойиликлари ва юксак салоҳиятларини намойиш қилмоқдалар.

Марҳабо Мирзажонова, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти доценти, филология фанлари номзоди:


— Юртимизда хотин-қизларимизнинг давлат ва жамият ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги мавқеи йилдан-йилга мустақамлашиб бораёпти. Ҳозир турли нуфузли бошқарув идораларига 2000 дан зиёд олимпикчиларимиз раҳбарлик қиляпти. Мана шу далилнинг ўзидек Ўзбекистонда аёллар масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилганлигидан далолат бермайдими? Шуни қайд этиш жоизки, мамлакатимиз истиқлолга эришганидан буён қонун ва қарорларнинг энг кўпи бевосита хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига, ижтимоий фаоллигига қаратилди. Бугун мамлакатимиз миқёсда оладиган бўлса, аёлларимиз орасидан 700 дан ортққ фан доктори, 7000 дан зиёд фан номзоди етишиб чиққанининг бўли катта ифтихор эмасми?

Анжуманининг иккинчи иш кунинда республикамизнинг турли олий ўқув юртиларидан келган олималар бир неча шўъбаларга бўлиниб, маърузалар ўқиди. Мунозараларда Термиз Давлат университети талабалари ҳам фаол иштирок этди. Айниқса, Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институти ўқитувчилари Б.Бобоназарова, Ф.Икромова, Самарқанд Давлат чет тиллар институти доценти, фалсафа фанлари номзоди Д.Амридинованинг маърузалари йилгилларда катта таассурот қолдириб, қизиқарли баҳсларга сабаб бўлди.

— Афсонавий Сурхон воҳасига биринчи мартаба келишим. Айниқса, муҳтарам Президентимиз шахсан ўзлари очган Термиз Давлат университети янги, замонавий биносини қўришни анчадан буён орзу қилардим. Анжуман баҳона, республикамизнинг таниқли олималари билан танишди, уларнинг маърузаларини тингладик. Айниқса, педагогика фанлари доктори, истеъдодли руҳшунос Шахнозаҳон Халилова ўтказган психологик-мантқилий дебатлар бизда катта таассурот қолдириди. Ундан кўн нарса ўргандик. Анжуман доирасида ташкил қилинган кўргазмада Термиз Давлат университети ўқитувчилари ва талабаларининг ижодий-илмий ютуқ-ҳаётидаги хотин-қизлар ўрни масалаларига бағишланган маънавий-маърифий тадбирлар ва анжуманларни мунтазам равишда ўтказишда фаоллик кўрсатишмоқда.

Мамлакатимизда олий ва ўрта махсус таълимга эга бўлган мутахассисларнинг ярми хотин-қизлар бўлиб, улар қишлоқ ҳўжалиги соҳасида 39 фоиз, халқ ҳўжалигида 42 фоиз, соғлиқни сақлаш тизимида 73 фоиз, халқ таълимида 65 фоизни ташкил қилмоқда. Қувонарлиси, илмий ходимларнинг 37 фоизи олималардан иборат.

— Аёлнинг ички олами, дунёқараш, яшашдан мақсади, орзу-истак ва интилишлари, ҳис-туйғуларни уйғуллаш, улғу эътиқодга айланади, ундан баҳра олаётган баркамол авлод юртининг фахри, элнинг эртаси бўлиб дунёга юз тунмоқда, —



Маданият уйининг янги қиёфаси

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида ўзбек миллий санъатини ривожлантириш, соҳа вакиллариининг профессионал малакасини ошириш, иқтисод эгаларини қўллаб-қувватлаш йўлида кенг қўламли иш-лаётган ва қайта таъмирланаётган кўркам санъат қошоқларига юздан зиёд ўғил-қиз жалб этилган. Бу ерда, шунингдек, тилшунослик, тикшовчилик, расомлик, модельер-дизайнерлик йўналишларида тўғарақлар ишлаб турибди.

ли концерт зали, шинам ва ёруғ машғулот хоналари замонавий усулда жиҳозланган. Маданият масканининг ҳовлиси манзарали дарахтлар, ранг-баранг гулларга бурканган.

Маданият уйи қошидаги «Карнай-сурнай», «Юлдузча», «Тантана», «Гўзал» ашула ва рақс гуруҳларига юздан зиёд ўғил-қиз жалб этилган. Бу ерда, шунингдек, тилшунослик, тикшовчилик, расомлик, модельер-дизайнерлик йўналишларида тўғарақлар ишлаб турибди.

Суратларда: Қувасой шаҳар марказий маданият уйи, Маданият уйи ходимаси Мунира Отақуллова.

Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎЗА) олган суратлар.

● 2012 ЙИЛ — МУСТАҲҚАМ ОИЛА ЙИЛИ

Истиқлол йилларида барча соҳалар каби оила институтида ҳам кенг қўламли ислохотлар амалга оширилди. Хусусан, 2012 йил мамлакатимизда «Мустақкам оила йили» деб эълон қилинганлиги ва бу борада ўтган ярим йил ичида кенг қамровли ишлар амалга оширилганлиги ҳам мазкур йўналишга берилётган алоҳида эътибор намунасидир. Оила муаммоларини комплекс тадқиқ этишда Республика «Оила» илмий-амалий маркази самарали фаолият юритиб келяпти. Ушбу мавзу доирасида марказ раҳбарининг ўринбосари Ҳафиза Мамадалиева билан суҳбатлашдик.

Ўзбек оиласи

МУСТАҲҚАМ ЗАМИН ВА ИЛДИЗГА ЭГА

— Юртимизда аёлларга бўлган эътибор янада кучайди. Бугун улар жамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида турли лавозимларда фаолият юритиб келишмоқда.

— Аёллар ўртасида олиб бориладиган ишлар доирасини кенгайтириш, уларнинг маърифий ва маданий савиясини кўтариш, хотин-қизлар ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади.

Бу йўналишда олиб борилаётган ишлар, энг аввало, Конституциямизда белгиланган нормаларга асосланади. Жумладан, Бош Қомусимизнинг 18-моддасида хотин-қизларнинг барча соҳаларда эркақлар билан тенг ҳуқуқли эканликлари эътироф этилган. Шу сабабли ҳам бугунги кунда юртимизда хотин-қизларнинг давлат ва жамият қурилиши, оиладаги ўрнини мустақамлаш борасида миллий механизм муваффақиятли ишлаб турибди. Унга кўра, хотин-қизлар меҳнат қилиш, билим олиш, касб-ҳунар ақлаш, сайлаш ва сайланиш, оила қуриш, оналикка оид барча ҳуқуқ ва имтиёزلардан фойдаланиши қонунлар билан кафолатланган.

Барчага аёнки, оилани, айниқса, ёш оилаларни мустақамлаш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш — бу жамият ва унинг келажаги ҳақида ғамхўрликдир. Мамлакатимизда оилаларнинг фаровонлиги, тинч-тотувлигини таъминлаш ҳуқуқимизнинг энг муҳим устувор вазифаларига киради. Айниқса, оналик ва болаликни ижтимоий ҳимоя қилиш — жамият тараққиётининг муҳим омил эканлиги қонуний ҳужжатларда ҳам, амалиётда ҳам аллақачон ўз исботини топди.

«Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»да: «Оила институти янада мустақамлаш, бу борада олиб борилаётган ишлар

қўламини янги босқичга кўтариш, соғлом ва мустақкам оила, биринчи навбатда, янги қурилаётган ёш оилалар масаласини давлатимиз ва жамиятимиз, маҳаллаларимизнинг доимий эътиборида турадиган устувор вазифа» эканлиги яна бир қарар таъкидланди.

Баркамол авлодни тарбиялашда жамиятимизнинг энг муҳим, ҳал қилувчи бўғини бўлмиш оилага алоҳида эътибор берилиши ва уни ҳар томонлама асраб-авайлаш, ёш оилаларга ғамхўрликни кучайтириш, ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоя қилиш, соғлом ҳамда мустақкам оилани қуриш учун зарур шарт-шароитлар яратиш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан биридир.

Қолаверса, оила институти амалда мустақамлаш борасида юртимизда талай ишлар амалга оширилмоқда. Масалан, оила ва никоҳ муносабатларини янада таъминлаштирган қонуний база яратилгани, оила аъзолари, жумладан, хотин-қизлар ва болалар манфаатлари ҳимояси йўлида қилинган ишларнинг нақадар тўригилгидан далолат беради.

Кейинги 15 йилдан ортққ вақт ичида қишлоқ катта оиласи деган тушунча ўзгаршига учради. Ҳозирги кунда қишлоқ оиласи деганда 6-7 кишидан иборат оилаларни тушуниш мумкин. 2010 йилда юртимизда 283,3 мингта янги оила ташкил этилган. 1991-2010 йилларда эса республикамизда 4,0 млн.дан ортққ янги оила ташкил топди.

— Бугунги кунда фарзандлар тарбиясида ота-оналар нимага эътибор беришлари керак, деб ўйлайсиз?

— Айримлар мустақкам оила деганда фақат моддий тўқисликни тушунади. Бу — янглиш ва бир ёклама фикр. Биз баъзан оилада моддийлик билан маънавийлик ёнма-ён туриши кераклигини унутиб қўяётганга ўхшаймиз.

Оиланинг ҳам чиройи, ҳам чароғбони бўлган она-сингилларимизнинг олий маълумот олишга интилаётгани, касб-ҳунар ўрганаётгани қувонарли ҳол, албатта. Бу, айниқса, она-

лар ўз фарзандларини замон билан ҳамнафас қилиб тарбиялашнинг муҳим омилдир. Фарзандга қанчалик эътибор қаратилса келажакдаги роҳат ҳам шунга боғлиқ.

Бугунги глобализация жараёнида ёшларимиз тарбиясида ёт оқимларнинг зарарли таъсири ортиб бормоқда. Уларни ёт гоёлардан асраш учун, аввало, оилаларда миллий кадриятларимизга бўлган эътибор билан бирга ота-онадан зийраклик ҳам талаб қилинади. Масалан, ота-она фарзандининг ички кечинмалари билан қизиқмасда, боланинг маънавий дунёқарашига пугтур етиши мумкин.

— «Оила» илмий-амалий марказининг келгусидаги вазифа, режалари хусусида ҳам тўхталсангиз.

— «Оила» илмий-амалий марказининг асосий мақсади — юртдошларимиз қалбида оилага тааллуқли бой миллий ва маънавий кадриятларни йўғотиш, оила ва никоҳнинг муқаддаслигини ёш авлод онгига чуқур синдиришдан иборатдир. Бундан ташқари, оиладаги ҳуқуқий саводхонликни ошириш, мавжуд муаммоларни илмий нуқтаи назардан ўрганиш, она-бола саломатлиги ҳамда аҳолига айрим оилавий масалаларда амалий ёрдам беришни таъминлаштириб боришимиз лозим. Айниқса, ёш авлод қалбида маънавият, маданият, маърифатни янада юксалтириш орқали оилада баркамол авлодни тарбиялаш муҳим масалалардан бири саналади. Бундан ташқари, оила ва жамият муаммолари ва уларнинг ечимига оид ўқув-услубий қўлланмалар, илмий-оммабоп рисоалар яратиш ва бу соҳада халқаро ҳамкорлик ўрнатиши янада ривожлантириш ҳам жуда муҳим. Шу билан бирга марказ томонидан оилада бола тарбияси, оилаларга психологик хизмат кўрсатиш, оилада болалар ҳуқуқлари, эрта никоҳнинг олдини олиш ва бошқа бир қатор масалалар бўйича изланиш ва тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Дилфуза РЎЗИЕВА, «Milliy tiklanish» мухбири

● МЕРОС

Тарих — миллат қиёфаси

(Давоми. Боши 1-бетда)

Бирок мозийга назар ташлаш доимо хайрли дейдилар. Мазкур мақолани тайёрлашдан мақсад ҳам ўтмишда шу юрт равнақида, маънавиятига юксак ҳисса қўшган тарихий шахслар руҳига ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш десак муболага бўлмайд.

Кармана тарихи, унинг улғуларини ҳақида фикр юритилса, қадимдан пурҳикмат, серфазилат бўлган бу заминдан олим-фузалолар, ахли донишлар, пиру муридлар, сайидлар, шайхлар, тасаввуф таълимоти қомиллари етишиб чиққанини фахр билан тилга олинади. XVI асрнинг маънавий етуқ шайхларидан бири бўлган Қосим Шайх Азизон ҳам ана шундай хислатларга эга бўлган улғу инсон дея тилга олинади.

Тарихий манбаларда қайд этилишича, ўз даврининг улғу шайхи, қароматгўйи бўлган Қосим Шайх Азизон тахминан 1500 йилда Карманда таваллуд топади. Маърифатпарвар, билимли, халқ оқилолигини ўйлайдиган шайхни Бухоро амири Абдуллаҳон II ўзига пири мурид, деб билган. Ҳатто мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётига оид масалаларни ҳал қилишда унинг кўмагига таянган.

Тарих фанлари доктори, профессор Сулаймон Иноятовнинг «Кармана тарих кўзгусида» номли асариде таъкидлашича, Қосим Шайх 1576-1577 йилларда бир-бири билан курашиб турган уч ҳукмдор — Хоразм шоҳи Хожи Мухаммадхон, Қипчоқ даштидан Қозоқ Эшимхон ва Абдуллаҳонни Карманга қорлаб, сулҳ тузишга эришган.

Қосим Шайх ҳақида Хофиз Таниш ал-Бухорийнинг «Абдуллонома» асариде ҳам бир қанча маълумотлар келтирилган. Китобда қайд этилишича, Азизон турли табақадаги аҳолининг яхши турмуш кечирмоғи, мамлакат ва мулкнинг оқилолигини таъминлаш учун қайғурган.

Давлатимиз раҳбарининг вилоятимизга қилган таширларидан бирида Қосим Шайх Азизон ва карманлик улғу сиймолар ҳақида гапириб, «Биз ҳаммиса улғу аждодларимиз билан ифтихор қиламиз. Уларнинг хотираси ҳозир ҳам она заминимизни шарафга бурқаб турибди. Ана шундай мўъта-

бар зотлардан бири, табарруқ хоки Зарафшон тупроғида ётган сўфий аллома Низомиддин Қосим Шайх ҳазратларидир. XVI асрда яшаб ўтган, бутун умрини маърифат тарқатишга, уруш ва низоларнинг олдини олишга, одамлар ўртасида меҳр-оқибат туйғуларини камол топтиришга бағишлаган улғу, айни вақтда камтарин бу зот ҳаёт чоғидаёқ халқнинг юксак иззат-иқдомига сазовор бўлган. Ана шундай табарруқ инсонлар, азиз — аълиларнинг ҳаёти биз учун ҳаммиса ибрат бўлмоғи керак», — дея ифтихор билан гапирган эдилар.

Биздаги маълумотларга қараганда, унинг таълимий-маънавий мактаби муридлари томонидан XX аср бошларига-ча давом эттирилган.

Шу ўринда Кармана тумани билан Навоий шаҳрини боғлаб турган «Қосим шайх» ёдгорлик мажмуаси ҳақида фикр юритадиган бўлса мазкур тарихий обида шайбонийлар сулоласидан бўлган Абдуллаҳон II томонидан 1560 йилда бунёд этилган.

Хонақо ўзига хос салобатга эга. Баланглиги 14 метр келадиган катта гумбазли масжид беихтиёр киши диққатини тортади. Ёдгорлик мажмуаси 10 та бир-бири билан боғланиб кетган ҳужра ва айвондан иборат бўлиб, уларнинг қурилиш услуби ҳам ўзига хослиги билан ажралиб туради. Ҳазрат Азизоннинг сағанаси эса хонақонинг шарқий томонида жойлашган.

Таъкидлаш жоизки, қурилиш ва меъморий тузилиши билан қимматли бўлган ёдгорлик мажмуаси собиқ иттифоқ даврида эътибордан четда, қаровсиз бир ҳолатда эди. Юртимизда қарор топган миллий истиқлол туғайли тарихнинг не не силсилаларига дош берган бу қадимий меъморий обида ҳам қайта таъмирланиб, ободонлаштирилди. Асосийси, унинг дастлабки қиёфаси сақлаб қолинган ҳолда қўшимча бинолар билан бойитилди. Натижанда мажмуа янгидан чирой очди, худуддаги ҳар бир қарич ер гулу гулзорга бурқанди. Эндилликда қарор топган миллий истиқлол тарих зарварларига битилган бу қадамжодан нафақат юртдошларимиз, балки хорижий сайёҳларнинг ҳам қадами узилмаяпти.

Ўралой ТУРДИЕВА, «Milliy tiklanish» мухбири

Қадриятлар улуғланаётган маҳалла

Маҳалла аҳолининг аҳил-тотув яшашга, сидқидилдан меҳнат қилишга, касб ўрганишга, шулар орқали ҳаёт кечирини енгилаштиришга хизмат қиладиган ноёб тузилма, энг яқин, қулай ва маъқул бўлган сеvimли маскан ҳамда тарбия учоғидир.

Президент Ислам Каримовнинг Хотира ва қадрлаш кунига бағишлаб ўтказилган маросимда, оммавий ахборот воситалари вакилларининг саволларига жавобларида мамлакатимизда 2012 йилнинг "Мустаҳкам оила йили" деб эълон қилиниши инсон омилига бўлган эътиборнинг яна бир амалий ифодаси экани қайд этилади. Инсон манфаатларининг биринчи ўринга қўядиган ана шундай изчил сиёсат туфайли юртимизда тинчлик ва барқарорлик таъминланиб, кўп миллатли мамлакатимизда ўзаро ҳурмат ва ҳамжихатлик тобора кенг қарор топмоқда. Дарҳақиқат, оила авлодларнинг давомийлигини таъминлайдиган, муқаддас урф-одатларимизни сақлайдиган, шу билан бирга, келажак наслларнинг қандай инсон бўлиб вояга етишишига таъсир кўрсатадиган макон, маҳалла эса тарбия учоғи бўлиб хизмат қилади. Президентимиз ўз маърузаларининг бирида: "Маҳалладек ноёб тизим ҳақида ортиқча гапириб ўтиришга эҳтиёж йўқ, деб ўйлайман. Нега деганда, ҳар қайси инсон, ҳар қайси хонадон ҳаётида, давлат ва жамият бошқарувида, одамларнинг бошини қовуштириш, турар жойларда тартиб интизомни мустаҳкамлашда, ўзини-ўзи бошқариш тизимини жорий қилишда маҳалланинг роли, аҳамияти ва моҳияти кундан-кунга ошиб бораётганини барчамиз кўриб турибмиз" дея таъкидлаганлар. Бугунги кунда Самарқанд вилоятида ҳам ибратли маҳаллалар жуда кўп топилди.

Каттақўрғон туманидаги Мўмин хўжа маҳалласида ҳам ибратли оилалар истиқомат қилишди. Маҳаллада 756 хонадон бўлиб, 4156 нафар аҳоли аҳил ва иноқ яшаб, меҳнат қилишмоқда. Худудда биологическая лаборатория, мактаб ва мактаб-гача таълим муассасалари замон талаблари даражасида жиҳозланган. Маҳалла фаоллари тўй-маърака маросимларини ўтказиш, ҳашарлар уюштириш, оилавий низоларни ҳал қилиш, беморлар қўлидан хабар олиш, кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоялаш, ободонлаштириш, жиноятчиликка қарши кураш ва унинг олдини олиш, хотин-қизлар, ёшлар, вояга етмаганлар билан ишлаш, улар тарбияси ва шунга ўхшаш ишлар билан шуғулланадилар. Маҳалла биноси ёнида масжид, кутубхона, новвойхона, тўйхона, сут-қатиқ дўкони, турли маърака учун керакли жиҳоз ва ашёлар бор. Хуллас, маҳаллада аҳоли тинчлиги, ҳавфсизлиги, уларнинг турмуш фаровонлигини таъминлаш учун барча шароитлар мавжуд.

— Маҳалламиз ёшлар ўртасида мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, улар онгда миллий мафқуранинг шакллантириш, жамиятимизга ёт иллатлар таъсирини қилиб кетишларининг олдини олиш каби масалаларга асосий эътибор қаратилди, дейди маҳалла фақура Олиф Холиқулов. — Негаки, мафқура соҳасида бўшлиққа йўл қўйиб бўлмайди. Гоявий бекарорлик ҳукмрон бўлган жойда мафқуравий таҳдид кучаяди. Аҳоли

кенг қатламлари, хусусан, ёшларнинг онгини эгаллашга уринишлар пайдо бўлади. Бизнеснинг ёшларимиз орасида эса бундайлар бўлиши асло мумкин эмас. Маҳалла фақура Олиф Холиқуловнинг котиби Раҳим ака Боймуродов билан суҳбатимиз чоғида маҳаллада ишбилармон, тадбиркор кишиларнинг кўп эканлигини аниқлаб олдик. Кўпчилик кўй, қорамол, товуқ боқиб яхшигина даромад қилишаркан. Айтиш пайтида Раҳим Фаёзов, Зафар Самадов, Равшан Асроров ўз хонадонларидан 100 боддан товуқ парваришлар, туҳум етиштиришаркан. Рухсора Тошнӣёзова ўз оиласида иссиқхона ташкил этган. Саҳоватли ишларни яхши кўрган Рухсора опа маҳалладаги турли тадбирларга моддий кўмак бериб келмоқда. Тolib Султонов, Раъно Султонова сингари ишнинг кўзини билладиган фермерлар ҳам маҳалланинг ҳар бир юмушига камарбаста, маҳалладан етиштириш билан ишлаш, маънавий тадбирлар ўтказишига доимо бош-қош бўлади. Шу маҳаллада яшовчи Рустам Сафаров иссиқхона ташкил этиб, саккиз кишини иш билан таъминлади.

Ориф ХОЛИҚУЛОВ, "Milliy tiklanish" мўхбири

ЖАРАЁН

● ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

«Энг улуғ, энг азиз»

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги ва Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси «Тасвирий ойна» ижодий уюшмаси, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпания, «Ўзбеккино» Миллий агентлиги, Бадиий академия, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси ҳамда Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди билан ҳамкорликда ёзувчи ва шоирларни, журналистлар, тасвирий ва кино санъати намояндаларини эркин, озод ва фаровон ҳаётимиз, гуруҳ-иштихоримиз тимсоли, эзгу орзу-интилишларимиз, ютуқ ва марраларимизнинг ҳаётбахш манбаи - мамлакатимиз мустақиллигининг йигирма бир йиллигига бағишлаб ўтказадиган «Энг улуғ, энг азиз» анъанавий танловига таклиф этади.

«Энг улуғ, энг азиз» танлови куйидаги номинациялар бўйича ўтказилади:
— ёзувчи ва шоирларнинг бадиий асарлари;
— босма ОАВ ходимларининг журналистик ишлари;
— телевидение ва радио ижодкорларининг материаллари;
— тасвирий санъат асарлари;
— кино санъати асарлари.

Танловга такдим этилган ижодий ишларга куйидаги ҳужжатлар илова қилиниши лозим:
— муаллиф ва унинг профессионал фаолияти тўғрисида қисқача маълумот;
— муаллифнинг паспорти нусхаси;
— иш жойидан тавсиянома;
— муаллифнинг манзили ва боғланиш телефонлари.

Танловга 2011 йилнинг 1 августидан 2012 йилнинг 1 августигача бўлган даврда чоп этилган бадиий асарлар, газета-журналлар ва интернет нашрларида эълон қилинган мақолалар, радио ва телевидение каналларида эфирга узатишган материаллар, шунингдек, тасвирий санъат ва кино санъати асарлари жорий йилнинг 5 августигача қабул қилинади. Танлов ғолиблари Ватанимиз мустақиллигининг йигирма бир йиллик байрами арафасида мукофотланадилар ва уларнинг рўйхати матбуотда эълон қилинади.

Ижодий ишлар «Энг улуғ, энг азиз» танловига деб кўрсатилган ҳолда куйидаги манзилга юборилиши лозим:

100129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги,
Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси,
Ўзбекистон Республикаси «Тасвирий ойна» ижодий уюшмаси
Телефонлар: 244-12-61; 244-64-61; 244-27-79.

● СПОРТ



Соғлом ҳаёт тарзи

УНГА АМАЛ ҚИЛИШ ФОЙДАДАН ХОЛИ БЎЛМАЙДИ

Инсон руҳан ва жисмонан тетик, бардам бақувват экан, яхши яшашга, ҳавас қилса арзиғулик ишларни амалга оширишга интилади. Бугун юксалиш сари шадманга юртимиз одамларининг дунёқараш, ҳаётга муносабати, турмуш тарзи ва яшаш шароити буткул ўзгармоқда.

Буни юртимизда аҳолини соғлом ҳаёт тарзига жалб қилиш, баркамол авлодни тарбиялаш борасида амалга оширилаётган кенг қўлмали ишлар, жумладан, ҳар бир корхона ва ташкилот вакиллари ўртасида турли спорт мусобақалари ўтказишга ҳам қўриш мумкин. Хусусан, яқинда "Ўзбекэнерго" ДАК тизимидаги корхона ва ташкилотлар ўртасида мунтазам равишда ўтказиб келинаётган спорт мусобақаларининг навбатдагисидаги старт берилди.

"Мустаҳкам оила йили" давлат Дастури асосида тизимдаги барча ходимлар ўртасида футбол, волейбол, стол тенниси, шахмат-шашка каби спорт турлари бўйича ўтказилган мусобақаларга "Наманган худудий электр тармоқлари корхонаси" очикқиядорлик жамия-

ти мезбонлик қилди. Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятлардан 300 нафардан ортиқ соҳа ходимлари беллашишди. Мусобақа Наманган шаҳридаги "Баркамол авлод" спорт мажмуасида "Ўзбекэнерго" ДАК мутасаддилари ва меҳмонлар иштирокида футбол ўйинлари билан очилди. Шундан сўнг, шаҳардаги кўпжа спорт мажмуаларида беллашувлар давом эттирилди.

— Мақсадимиз ходимларимиз орасида соғлом ҳаёт тарзини йўлга қўйиш, дейди "Наманган вилоят худудий электр тармоқлари" ОАЖ раҳбари Одилжон Зокиров. — Бундай тадбирларни тез-тез ўтказиб туришимиз. Бир ҳафта давомида қизгин ва муросасиз беллашувларга бой ўтган спорт мусобақасида барча ходимларимиз фаол иштирок этишди. Беллашувлар якунига кўра, футбол бўйича наманганлик ҳамкасбларимиз биринчи ўринни олишган бўлса, 2, 3-ўринлар Тошкент шаҳри ва фарғоналикларга насиб этди. Волейбол мусобақаси ҳам жуда қизиқарли ўтди. Яқинда Наманган, Сурхондарё ва Қорақалпоғистон Республикасида вакиллари ғолиб, деб топилди. Стол теннисидан эса Қорақалпоғистон Республикасида келган Бахтиёр Хамгелдиевга етадиган топилмади. Шахмат-шашка бўйича навоийлик Ҳанифа

Қурбонова, Тошкент шаҳридан Муқаддам Шокирова, Нажмиддин Ризаев, Икромжон Иминджонов, Василий Евтушенко, Гулнара Адизова, Равшан Шукуров ва Маматқул Хайлаев каби спортчи ходимларимиз ғолибликка эришишди. Барча иштирокчиларимизга "Ўзбекэнерго" ДАК томонидан фахрий ёрлик ва қимматбахо совғалар топширилди. Умумжамоа бўйича ғолиблик Наманган вилоятига насиб этди.

Бахтиёр ХАМГЕЛДИЕВ, Қорақалпоғистон Республикаси (мусобақа ғолиби):

— Бир ҳафта давом этган мусобақада биз ҳамкасбларимиз билан яқиндан танишдик, дўстлашдик, ўзаро тажриба алмашдик. Бўш вақтларимизда маънавий ва маърифий тадбирларни ўтказилди. Айтиқса, Наманганнинг диққатга сазовор жойларини бориб кўрдик. Қадимий Марғилон ва Фарғона шаҳарларига қилган сафаримиз бир умр ёдимизда қоладиган бўлди. Кўтаринки кайфиятда иш жойларимизга йўл оляғимиз. Бундай тадбирлар бизни янада гайрат билан ишлашга ундайди. Дарвоқе, "Мустаҳкам оила йили" муносабати билан йил якунида вилоят электр тармоқлари оилалари ўртасида ҳам спорт мусобақалари ўтказиш режалаштирилган. Мўминжон ҚОСИМОВ

Мамлакатимизда адолатли, ҳуқуқий-демократик жамият қуриш жараёни босқичма-босқич амалга оширилаётган бир шароитда оила аъзоларининг ҳуқуқий маданиятини шакллантириш ва оила манфаатларини таъминлаш устувор йўналишлардан бирига айланмоқда. Юртимизда 2012 йилни "Мустаҳкам оила йили" деб эълон қилиниши бунинг яққол мисолидир.

Оила ҳар бир инсон қалбига зил, ҳаётга мазмун-маъно, турмуш тарзига жило берувчи муқаддас тўшадир. Айнан оиладаги тинч-тотувлик, ўзаро ҳамжихатликка инсонни бахтиёр этиб, жамиятда муносиб ўрин эгаллашга асосий омил бўла олади. Бир сўз билан айтганда, ҳар томонлама баркамол, соғлом авлодни шакллантиришда оила пойдевор ҳисобланади.

Оила ҳақида сўз юритганимизда, аввало, Конституцияимизнинг 63-моддаси ёдга тушади. Бош Қомусимизда "Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга" деган жумлаларни ўқиймиз. Шундан ҳам ойдинлашмоқдаки, Ўзбекистонда оила беҳад қадрланади.

Конституцияимизнинг 64-65-моддаларида боланинг тарбияси учун ота-оналарнинг масъулиги, фарзандлар насл-насаби ва ирқидан қатъий назар ота-оналари билан фуқаролик ҳолатидан қатъий назар қонун олдида тенглиги, оналик ва болалиқни давлат қонун йўли билан муҳофаза қилиши таъкидланган. Демак, бош қомусимизда белгилангандек, давлат оилани ҳар томонлама ўз муҳофазасида сақлайди.

Оиланинг қонун билан муҳофазаланганлиги унинг аъзоларига ҳақ-ҳуқуқ, имтиёз билан бирга масъулият ва мажбуриятларини ҳам белгилаб қўяди. Қўриб турибдики, мустақил Ўзбекистонимизда оилага жамиятнинг бир бўғини сифатида қаралади ва унга бўлган эътибор давлат сиёсати даражасига кўтарилган.

● ҲУҚУҚ ВА БУРЧ

Оила

ЖАМИЯТНИНГ ЧИРОЙЛИ ВА МЎЪЖАЗ КЎРИНИШИДИР

Давлатимиз раҳбарининг "Юксак маънавият — энгилмас куч" асарига оила муҳити ва ҳар бир фуқаронинг жисмонан соғлом бўлиши жамиятнинг мустақамлиги ва мамлакат барқарорлигини таъминлашга хизмат қилиши эътироф этилган.

Дарҳақиқат, оилада бола ҳар томонлама етуқ, қомил инсон бўлиб улғайса, давлатимиз шунча қудратли ва бой бўлади. Оила соф инсоний туйғулар, меҳр-муҳаббатга асосланган бўлса, унда тотувлик ва барқарорлик шаклланади.

Шарқона урф-одатда, отага тик боқма, дейилиши боланинг қонун олдида ота-она билан бир ҳуқуқ ва мажбуриятга эга эканлигини аниқлатади. Маҳаллалардаги жанжалли оилаларга бориб, ҳақиқий аҳвол ўрганилганда, ота-она ёки бола қонунни билмаслиги ёхуд оилага бевътибор муносабатда бўлишини кўраимиз. Шунинг учун ҳар бир фуқаро ҳақ-ҳуқуқларини билиши билан бир қаторда мажбуриятларини, жамият олдидаги бурчларини ҳам англаши шарт.

Дарвоқе, ҳуқуқий онгимиз етарли даражада шаклланган бўлса, одамлар фақат ҳуқуқларини талаб қилиш билан чекланмай, бурчларига ҳам амал қилади, ота-оналар қизларини қонуний никоҳсиз турмушга бермайди, тиббиётчилар ҳўжа-кўрсинга иш қилмайди, "айб-ли"лар ўз манфаати йўлида қимлардан дийр фойдаланмай, жамият ва табиат қонунларини ҳурмат қилган ҳолда иш тутайди. Шундангина жамият ҳалқаси ичида мўътадил, соғлом муҳит ҳукмрон бўлади. Зеро, оила шахсий иш эмас, балки миллий генофондга тааллуқли масаладир.

Соғлом оила — соғлом ҳаёт асосини ташкил қилади. Шуманода ҳам маънан, ҳам жисмонан соғлом авлодни вояга етказиш, жамиятга соғлом фикрловчи шахсларни тарбиялаш, соғлом муҳитни вужудга келтириш каби масалалар ечими оила мустақамлигини таъминлаш орқали ҳал этилади. Давлатимиз раҳба-

ри таъкидлаганидек: "Агар биз кўзлаган эзгу мақсадимизга етмоқчи бўлсак, аввало, оилага-жамиятимизнинг аниқ шў муҳим ижтимоий бўғинига катта эътибор беришимиз керак".

Айтиш керакки, мамлакатимизда бу борада кўпжа эзгу ва савобли ишлар амалга ошириляпти. Жумладан, оилаларни ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий, тиббий жиҳатдан ҳимоя қилиш бўйича самарали тизим яратилган. Соғлом оилани шакллантириш ва оилада юксак маънавий ахлоқий муҳитни қарор топтириш мақсадида республикамизнинг барча гўшалари сингари Сурхондарё вилоятида ҳам "Оналик мактаби", "Тиббий ишлар асоси", "Балогат даври", "Ёш оила мактаби" каби бир қанча дастурлар ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Ёшларнинг никоҳ ва оила масалалари бўйича етарли маълумотга эга бўлишлари учун ёш оила қурувчилар мактаби ташкил этиш ишлари йўлга қўйилди. Жамият тараққиёти оила тотувлигидан бошланади. Агар оилада аҳиллик, бир-бирини тушунишга дарз кетса, бу аввало, шу оиладаги фарзандлар қалбида кемтиклик солади. Бундан эса жамият зиён кўради. Шундай экан, ота-оналар, фаоллар зиммасида ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш гоят долзарб вазифа бўлиб турибди. Бу вазифани амалга оширишда, айтиқса, жойларда фаолият олиб бораётган ФХДЭ органлари ходимлари муҳим ўрин тутайди. "Оила дорулфунуни" мутахассислари ҳамда фаолларнинг никоҳланувчи шахслар, ёшлар билан ўтказётган ўқув машғулотлари ҳам ўз самарасини бермоқда. Дорулфунун машғулотлари нафақат туманлар ФХДЭ бўлимларида, шу билан бирга мактаб, лицей, коллеж ҳамда маҳаллаларда ҳам иш қилинмоқда.

Янги оила қураётган ёш йигит-қизларимиз оила дорулфунунида, шунингдек, оила ахлоқи

ва одоби, бахтли бўлиш сирлари, фарзанд тарбияси, эр-хотин мулкий муносабатлари, турмушда учрайдиган муаммоларни ёниқ борасида ҳам ҳаётий сабоқлар оладилар.

Жорий йилнинг 1-чораги давомида ФХДЭ органлари томонидан "Оила дорулфунуни" бўйича 89 та машғулот ва давра суҳбати ўтказилди. Шу даврда 4983 та никоҳ қайд қилинди. Уларнинг 4186 таси ёш оилаларни ташкил этди.

Оила ҳақида гапирганда миллий мафқура оддийроқ қилиб айтганда миллий урф-одат, тутум ёхуд муҳит ҳақида гапирмай илож йўқ. Оиладаги тарбия, аввало, ундаги муҳитга боғлиқ. Вояга етмаган болаларнинг нотўғри йўлга кириб кетиши, жиноят содир этиши, билиб-билмай хатарли йўлларга кириб қолиши, турли-туман оқимларга эргashi, жамият тараққиётига ёт тушунриш мақсадида республикамизнинг барча гўшалари сингари Сурхондарё вилоятида ҳам "Оналик мактаби", "Тиббий ишлар асоси", "Балогат даври", "Ёш оила мактаби" каби бир қанча дастурлар ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Ёшларнинг никоҳ ва оила масалалари бўйича етарли маълумотга эга бўлишлари учун ёш оила қурувчилар мактаби ташкил этиш ишлари йўлга қўйилди. Жамият тараққиёти оила тотувлигидан бошланади. Агар оилада аҳиллик, бир-бирини тушунишга дарз кетса, бу аввало, шу оиладаги фарзандлар қалбида кемтиклик солади. Бундан эса жамият зиён кўради. Шундай экан, ота-оналар, фаоллар зиммасида ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш гоят долзарб вазифа бўлиб турибди. Бу вазифани амалга оширишда, айтиқса, жойларда фаолият олиб бораётган ФХДЭ органлари ходимлари муҳим ўрин тутайди. "Оила дорулфунуни" мутахассислари ҳамда фаолларнинг никоҳланувчи шахслар, ёшлар билан ўтказётган ўқув машғулотлари ҳам ўз самарасини бермоқда. Дорулфунун машғулотлари нафақат туманлар ФХДЭ бўлимларида, шу билан бирга мактаб, лицей, коллеж ҳамда маҳаллаларда ҳам иш қилинмоқда.

Янги оила қураётган ёш йигит-қизларимиз оила дорулфунунида, шунингдек, оила ахлоқи

Фахриддин ҚҮЛДОШЕВ, Сурхондарё вилоят адлия бошқармаси бошлиғи ўринбосари

ХАЛҚАРО ҲАЁТ



ДУНЁДАН ДАРАКЛАР

● БИЗНИНГ ШАРҲ

«Биз истаётган келажак»

БРАЗИЛИЯДА АНА ШУ НОМДАГИ АТРОФ-МУҲИТ МУҲОФАЗАСИГА ОИД ЙИРИК ХАЛҚАРО АНЖУМАН ЎТКАЗИЛДИ



мазмунсиз ҳужжат дея атаган. Ўз урф-одат, анъаналарини сақлашга интилаётган бир гуруҳ хиндулар Рио-де-Жанейрога келиб етти пушт авлоди яшаб келган ерларнинг қайтариб берилишини талаб қилган. Экологлар Рио саммити натижаларини сарҳисоб қиларкан, уни келажак авлод олдидидаги салбий ҳолат дея баҳолаган. Балки бир ҳисобдан улар ҳақдир. Дунё миқёсида кузатилаётган молиявий-иқтисодий инқироз шароитида парник газларини тарқатаётган давлатлар "яшил иқтисодиёт"ни ривожлантиришни ҳаёлига келтирмаётди. Сўнгги 20 йил ичида аҳоли сони икки баробарга ошди. Табиий ресурсларнинг катта қисми Осиё, Африка, Лотин Америкасининг энди ривожланаётган минтақасида жойлашган бўлса-да, ундан оқилона фойдаланилмапти, бундан аксинча ривожланган давлатлар наф кўраётди.

"Яшил иқтисодиёт" ибораси 1992 йилги Ер саммити олдидан ўйлаб топилган бўлиб, айнан у орқали иқтисодиёт ва барқарор ривожланиш ўртасидаги узвийликни ўрганиш мумкин. Қаерда озик-овқат маҳсулотлари қимматлашаётган, тоза ҳаво, сунғуриладиган ерлар ва чучук сувга муҳтожлик сезилаётган бўлса, "яшил иқтисодиёт"га эҳтиёж кучаяди. БМТ бош қотиби Пан Ги Мун юздан ортққ ташкилотлар замонавий энергия манбаларидан фойдаланиш борасида БМТ глобал ташаббусини қўллаб-қувватлаётганини эълон қилди. Биз-несменлар, ҳукумат раҳбарлари ва банклар ана шу мақсадлар учун 50 миллиард доллардан ортққ маблағ ажратишга тайёрлигини билдирган.

Эндиликда 2030 йилга бориб бир-бири билан боғлиқ 3 та ўзаро чамбарчас масалани ҳал этиш муаммоси турибди. Биринчидан, замонавий энергетика ресурсларидан фойдаланиш имконини яратиш ва жаҳон миқёсида электр энергияси истеъмол қилиш интенсивлигини 40 фоизга камайтириш, дунё миқёсида қайта тикланувчи манбаларини 30 фоизгача ошириш кўзда тутилган. Айни даврда сайёрамизда яшаётган ҳар 5 кишидан бири замонавий энергия манбаларидан фойдаланишдан маҳрум бўлса, 3 миллиард аҳоли

таом тайёрлаш ва уй-жойни иситиш учун ўтин ва кўмир ёқиб билан чекланмоқда. Барқарор энергия мақсадида эришиш нафақат мумкин, балки зарурдир ҳам. Энергия бу ривожланиш, ижтимоий интеграция ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишни таъминловчи олтин ўзақдир, деди БМТ раҳбари Пан Ги Мун. Бош қотиб бот-бот ҳар уйда чироқни ёққан ҳолда сайёрамизнинг кизиб кетишига йўл қўймайлик ҳам эслатган.

Дарҳақиқат, тасдиқланган ҳужжат халқаро ҳамжамиятнинг катта ютуғидир. Рио+20 анжуманида қашшоқликни тугатишга эътиборни кучайтирган ҳолда экологияга зиён-заҳмат етказмасдан иқтисодий ривожлантириш, океан ва денгизларда балиқ овини тартибга солиш, денгиз экотизимининг бузилиши ва иқлим ўзгариши олдини олиш, шаҳарларни ободонлаштириш, аҳоли яшаш шароитини яхшилашга эътиборни кучайтириш кераклиги уқтирилди. Айнан қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланган ҳолда атмосферага заҳарли углевод моддаси ҳажмини чиқаришни камайтириш ва иқтисодиётдаги ўсишни таъминлаш мумкин. Конференцияда сўзга чиққан Хитой давлат кенгаши раиси Вень Цзябао ўтган 20 йил давомида ўз мамлакатига ишлаб чиқилган барқарор ривожланиш стратегиясини тақдим этаркан, Хитой бу янги халқаро концепцияга содиқ қолишини айтган. Ривожланаётган мамлакатлар сирасига кирувчи мазкур давлат ЯИМ бўйича жаҳонда иккинчи, жон бошига даромад бўйича 90-ўринда туради.

Молиявий инқироз, иқлим ўзгариши, озик-овқат, энергетика хавфсизлиги, минтақавий можаролар ва бошқа омиллар барқарор ривожланишнинг тадбиқ этилишига жиддий таҳдид солмоқда. Вень Цзябао ривожланаётган давлатлар томонидан барқарор ривожланиш таъминлаш учун қатор аниқ тадбирлар ишлаб чиқилганини БМТ Ишонч агентлиги жамғармасига 6 миллион доллар маблағ ўтказишини айтди. Бу маблағ биринчи навбатда ривожланаётган мамлакатларда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва чўлланишга қарши кураш соҳасида эколог ва техник ходимларни тайёрлашга сарфланади. Конференцияда қатнашган Ўзбекистон делегацияси ҳам БМТ Бош қотиби Пан Ги Муннинг ривожланаётган давлатларга ёрдам дастури ва халқаро ташкилотлар ҳамда молиявий институтлар томонидан барқарор ривожланиш мақсадларини рўйба-рўй чиқариш таклифларини қўллаб-

қувватламоқда. Айнан баҳамжиҳатлик билан иш олиб борилган тақдирдагина дунё экологияси, ижтимоий-иқтисодий балансининг бузилишини олдини олиш мумкин. Ўзбекистон олдида Рио-де-Жанейродаги конференция яқунланганидан сўнг 2015 йилдан кейинги барқарор ривожланиш миллий дастурини ишлаб чиқишдек муҳим вазифалар турибди.

Таъкидлаш жоизки, сўнгги бир неча йил ичида ижтимоий соҳага ажратилган маблағ 5 баробарга ошди. Ҳар йили давлат бюджетининг 60 фоизига яқини ижтимоий мақсадларга йўналтирилмоқда. Биргина таълим соҳасига ЯИМнинг 10-12 фоизи миқдорига маблағ ажратилаётгани таълимга лойиқдир. Оналар ўлими икки, болалар ўлими 3 баробарга камайди. Аҳолининг ўртача турмуш кечирishi даражаси ортмоқда. Ўзбекистонда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш борасида қатор мақсадли давлат ва миллий режалар амалда тадбиқ этилмоқда. Мамлакатимиз шу соҳадаги 12 та халқаро ҳуқуқий актлар бўйича мажбуриятни бажариб келяпти. 2020 йилгача ҳайвонот ва наботот оламини сақлаш ва тиклаш дастури асосида янги қўриқланадиган табиий ҳудудлар кенгайтирилади. Сўнгги йилларда унинг майдони 70 минг гектарга кўпайган. Ўзбекистонда энергетика, сув ва ер ресурслари, чиқиндиларни "ашиллаштириш" имкониятлари катта. Мамлакатимизда барқарор ривожланиш устувор вазифага айланди. Ўзбекистон Республикаси 1992 йили Рио декларациясини ратификация қилди. Ўзбекистонга содиқ иттифоқдан жиддий экологик муаммолар «мерос» қолди. Унлаб йиллар давом этган табиий муҳит учун вайронкор сиёсат қишлоқ ҳўжалигида ва саноатда қимёвий моддалар оқибатини ўйламай қўлланилиши, қўшимча маҳсулотларга ва ишлаб чиқариш чиқиндиларига ҳўжасизларча муносабат бир бўлиб Ўзбекистоннинг атроф-муҳитига таъсир қилди. Орол денгизининг қуриб бориши мамлакат ривожига солинаётган йирик таҳдидлардан бири бўлиб келмоқда. Президентимиз Ислам Каримов БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессияда бу муаммо бўйича ташвиш билдириб, халқаро жамоатчиликнинг эътиборини унга қаратди.

Ўн фоиз ходимлар бўшатилади

Франциянинг «Air France» авиакомпанияси келаси йилдан бошлаб беш мингдан ортққ ходимни ишдан бўшатишни режалаштирмоқда. Бу тахминан авиакомпания ишчиларининг 10 фоизини ташкил этади.

Бундан қўзланган асосий мақсад «Air France» харажатларини камайтириш ва даромадини оширишдан иборат. Компания вакилларининг сўзларига кўра, ҳозир мазкур ташкилот авиация ёқилгиси нархининг ошириб бораётгани, мамлакат бозорида рақобат кучаяётганидан молиявий зарар кўрмоқда.



Ниҳоят, аниқлашди

Олимлар Марс сайёрасида ҳаёт мавжуд эканини исботловчи янги далилларни аниқлашди.

Маълумотларга қараганда, тадқиқотлар давомида космик аппарат ёрдамида катта миқдордаги минерал қатламларни суратга олишга муваффақ бўлинган. Экспертларнинг ҳулосасига кўра, ушбу қатламлар илгари сайёрада тирик организмлар мавжудотлар яшаши учун шароит мавжуд бўлганидан далолат беради. Қизил сайёрада тадқиқот ишлари давом этмоқда.



Вақт чекланди

Буюк Британияда спиртли ичимликлар рекламасини радио ва телевидение орқали бериш тартибига оид қонунга ўзгартириш киритилган.

"Times" газетаси тарқатган хабарларга қараганда, ушбу қонунга мувофиқ радио ва телевидениеда маст қилувчи ичимликлар рекламаси кечки соат 9 дан эрталаб 6 гача берилиши мумкин эмас. Ҳужжатга ўзгартириш киритилмасдан аввал спиртли ичимликлар рекламасини беришга анча кўп вақт ажратиларди.



60 фоиз совға

Жаҳон бозоридида эсдалик совғаларнинг олтиш фоизи Хитойда ишлаб чиқарилади.

Хабарларга кўра, мамлакатда йилига қарийб 30 миллиард АҚШ долларига тенг совғалар тайёрланади. Маълумот ўрнида шуни айтиш жоизки, ҳозир Хитойда бундай маҳсулотларни ишлаб чиқаришга ихтисослашган юздан зиёд корхона фаолият қуритмоқда.



Хорижий ОАВ хабарлари асосида тайёрланди

● РАНГИН ДУНЁ

"Исландия" сўзи "муз ўлкаси", "муз ер" деган маъноларни англатади. Атлантика океанининг шимол-ғарбий қисмида, Норвегия ва Гренландия оралиғида жойлашган Исландия майда аралчалардан таркиб топган. Мамлакат ўзининг яшил ўрмонлари, вулконлари, сахро ва шаршаралари, гейзеру музликлари, айсберг ва антиқа тошлари билан дунёга машҳур.

ИҚЛИМИ

Гарчи "муз ўлкаси" деб номланган бўлса-да, Исландия Арктика иқлими ҳудудларига кирмайди. Чунки иқлимга иккита денгиз оқими ва сузиб юривчи музлар таъсир қилади. Июль ва август энг иссиқ ойлар, бу пайтда пойтахт Рейкьявкда ҳаво ҳарорати ўртача 20 даража иссиқ бўлади.

ТАРИХИ

Тахминан милодий 870 йилдан Исландия ҳудудига одамлар кўчиб келиб, қимсасиз оролни ўзлаштира бошлашган. Уларнинг кўчирчилиги норвеглар бўлган. Скандинавиянинг бошқа мамлакатларидан, жумладан, шведияликлар ҳам бор эди. XI аср охирига келиб, бу ердаги хонадонлар тўрт ярим мингга етди. Денгиз сайёҳлиги ривожланиб, X асрнинг 80-йилларида исландлар Гренландияни кашф этишди ва тахминан 1000 йили Шимоллий Америкага етиб боришди. Исландияга кўчиб келганлар 930 йили Халқ мажлиси - алтингни ташкил этишди. Орол ташқи дунёдан ажралгани, турмуш тарзининг ўзига хосликлари боис бу ерда уруғчилик муносабатлари узоқ вақт сақланиб қолди. XIII асргача сиёсий ҳокимият халқдан ажралмаган, од-

дий эркин кишилар — бондлар асосий ижтимоий қатлам эди. Шу давр адабиётда "халқ ҳокимияти даври" деб юритилади. Исландия аслзодалари ўртасидаги ички низолардан фойдаланган Норвегия давлати 1262-64 йиллари уни ўзига бўйсундириб олди, 1380 йили эса Дания билан иттифоқ тузди. 1397 йили Калмар иттифоқига кириб, 1537 йилдан яна Дания қарамоғига ўтди. XIX асрнинг иккинчи ярмидан мустақиллик учун кураш кучайди. 1874-1903 йиллари Исландия баъзи мухтор ҳуқуқларга эга бўлди. Биринчи жаҳон уруши даврида Дания қарамоғига эълон қилинди. Исландия АҚШ ва Буюк Британия билан иқтисодий-сиёсий муносабатларни кучайтирди. Озодлик кураши авж олган, 1918 йили Дания Исландияни иттифоқдаги чекланган мустақил давлат, деб тан олди. Шундан сўнг Исландиянинг доимий бетарафлиги эълон қилинди. 1944 йил майдаги референдум натижасида Исландия халқи Дания билан иттифоқни рад этди ва шу йил 17 июнда Исландия Республикаси деб эълон қилинди. 1946 йили мамлакат Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо бўлди.

Мўъжизакор ўлка



ИҚТИСОДИ

Мамлакат иқтисодиёти асосий қиримни балиқ овллаш ва уни қайта ишлашдан толади. Меҳнатга лаёқатли аҳолининг ўн икки фоизи шу тармоқда банд бўлиб, ялпи ички маҳсулотнинг йигирма фоизи ва хорижий валюта тушумининг салкам саксон фоизини шу соҳа таъминлайди. Саноат корхоналарининг ўлтиз фоизи балиқчиликка ихтисослашган. Йилига бир ярим миллион тоннага яқин балиқ овланади. Бироқ сўнгги йиллар саноатда тармоқлашиш кучайиб, қайта тикланувчи энергия ишлаб чиқариш корхоналари кўпаймоқда. Умуман олганда, мамлакатда ишсизлик ва қашшоқлик муаммоси деярли йўқ. Умумий ўрта таълим давлат томонидан таъминланган. Мамлакатнинг фойдала қазилма ва хомашё захиралари умуман йўқ. Кейинги йилларда бой табиий ресурсларга


эга бўлган Арктикага катта эътибор берилмоқда. Исландия минтақада атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан барқарор ривожлантиришга кўмаклашувчи Арктика кенгашига аъзо бўлди.

АҲОЛИСИ

Аҳолининг миллий таркиби деярли бир хил — тўқсон беш фоизи исландлардир. Улар қадимги скандинав тиллари издоши бўлган исланд тилида сўзлашади. Шунингдек, бу ерда дан, норвег, олмон ва бошқа халқлар вакиллари ҳам яшайди. Аҳолининг ўртача зичлиги бир квадрат километрга уч киши. Тўқсон бир фоиз аҳоли шаҳарларда, олтиш фоизга яқини мамлакатнинг жануби-ғарбида, пойтахт Рейкьявк ва унинг атрофларида яшайди.

РЕЙКЬЯВК

Сайёрамиздаги энг шимоллий пойтахт шаҳар ҳисобланади.



Исландия. Пойтахти: Рейкьявк шаҳри. Майдони: 103 125 кв. км. Аҳолиси: 320 000 дан зиёд.

Шаҳарнинг диққатга сазовор жойлари асосан табиат билан боғлиқ. Масалан, унинг шарқий қисмидан оқиб ўтувчи Эллаидар дарёси мамлакат байлиги саналади. Чунки, бу дарёда лосос балиги кўп учрайди. 2000 йилда эса Рейкьявк "Дунёнинг маданий пойтахти" деган сарофга мушарраф бўлди.

Орадан бир йил ўтиб, шаҳар "Европанинг энг қайноқ пойтахти" деган расмий мақомни олди. Бундай ном Рейкьявкка бир қанча фестивал ва байрамларга мезбонлик қилгани учун берилган.

МИЛЛИЙ ОШХОНА

Исландиянинг миллий ошхонаси ўзининг оддий, бироқ ма-

зали таомлари билан ажралиб туради. Анъанавий исланд хўрдиси ва қўй гўштидан тайёрланган қовурма, денгиз маҳсулотларидан тайёрланган турли хил таомлар исландларнинг жону дили. Энг қизиги, балиқдан тайёрланадиган таомларнинг таъми бир-бирини тақорламайди.

ЯНА ИСЛАНДИЯ ҲАҚИДА

Маҳаллий халқ ғайритабиий жонзотлар: эльф, тролл, рух ва ҳоказо афсонавий махлуқларнинг борлигига қаттиқ ишонади. Айниқса, Шарқий Исландияда истиқомат қилувчи аҳоли орасида бир афсона юради. Унга кўра, шу ердаги Легуринн қўлида худди инглизларнинг Несси махлуқига ўхшаш нарса бор экан. Ҳатто, ана шу қўл бўйлаб сайр қилиш учун мўлжалланган кемага ўша махлуқ номи берилган. Шаҳарнинг Эгилсадира деб номланган қисми меъморий обидаларга бой. Ана шундай обидалардан бири шаҳар черковидир. Антика ечимга эга ушбу черков нафақат Исландия, балки дунё бўйича ягона ҳисобланади.

Vestmannaeyjar — Исландия жанубидаги 15 та оролни ўзида бирлаштирган. Бироқ, шунча оролдан атиги биттасида аҳоли истиқомат қилади. Бу Heimaey оролидир. Оролда салкам 5 минг йилдан бери мудраб ётган Helgafell вулкони 1973 йили қутилмаганда ўйғониши аҳолининг маълум муддат бошқа жойга кўчирилишига сабаб бўлди. Орадан 6-7 ой ўтгач, шаҳар яна ўз холига қайтди. Шаҳар катта аквариум, ноёб тоғ жисмларини ўзида жамлаган табиий фанлар ва халқ ижодиёти музейларига эга.

Гулноза НОСИРОВА

**МАДАНИЯТ
ХАБАРЛАРИ**

**Гўзаллик ва
нафосат ҳафталиги**

Жорий йилнинг 9 октябр кuni пойтахтимизда еттинчи "Art Week Style.Uz-2012" санъат ҳафталиги ўз ишини бошлади.

6 кун мобайнида ушбу ёрқин санъат ҳафталиги доирасида Тошкент халқаро фотобиенналесеси, III "Theatre.Uz" халқаро театр фестивали, II "Олтин ге-пард" Тошкент халқаро кинофоруми, бадиий кўргазмалар, ёш дизайнерларнинг модалар намойиши, хайрия концертлар, ижтимоий акция, маҳорат дарслари ҳамда илмий-амалий анжуманлар ўтказилиши режалаштирилган.

**Истеъдод ва
маҳорат кўриги**

"Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси ташаббуси билан ўтказиб келинаётган йирик лойиҳа - "Янги авлод" болалар ижодиёти фестивалига аризалар қабули бошланди.

Хужжатлар жорий йилнинг 1 июлидан 1 октябрга қадар "Келажак овози" ёшлар ташаббуслари марказларида ҳамда "Камалак" болалар ташкилотининг туман ва шаҳар бўлимларида қабул қилинади. Фестивалда 6 ёшдан 14 ёшгача бўлган болалар ижодий жамоалари ёки алоҳида номзод сифатида классика, вокал, миллий чолғулар, тасвирий санъат, шеърят, адабиёт ва театр сценарийси каби йўналишлар бўйича ўз истеъдодларини намойиш этишлари мумкин.

"Туркистон-пресс"

Ёз — ўтмоқда соз

Фаргона вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармасининг тузилган режаларига асосан ёзги оромгоҳларда дам олаётган болажонларга кизикarli ва томошабоп тадбирлар ташкил этмоқда.

Жумладан, Фаргона шаҳар маданият ва спорт ишлари бўлими ҳамда "Камолот" ЕИХ билан ҳамкорликда "Хумо" болалар оромгоҳида концерт дастури берилди. Ўзбекистон туманининг Қизил қақир қишлоғидаги мавсумий оромгоҳда эса Каримдевонова маданият уйи хаваскорларининг концерт дастурлари ва "Фунча" халқ кўйроқ театрининг "Яшилликка ёмонлик" спектакли болажонлар эътиборига ҳавола этилди.

М.КАРИМОВА

Илк намойиш

Тошкент Фотосуратлар уйида ижодий фото мактаб-студияси битирувчиларининг анъанавий 12-ҳисобот кўргазмаси очилди.

Кўргазма экспозициясида 22 та иштирокчиларнинг портрет, манзара, натюр-морт, репортаж ва бошқа жанрлардаги 200 га яқин фото ишлари ўрин олган. Аксарият муаллифлар ушбу кўргазмада илк бор иштирок этиши. Услубий ва мавзу жиҳатдан хилма-хиллиги билан ажралаб турган бу ишларда ёш сураткашларнинг фотографияни тушуниш, тасвирий воситаларни излаш, композицион ечимларни топши борасидаги асосий билим ва ғояларнинг ёрқин тасвирий ифодасини, қандай савияда бажарилганлигини кўриш мумкин. Кўргазманинг биринчи кунда фото-студия битирувчиларига тантанали равишда сертификатлар топширилди.

Хасан АБДУНАЗАРОВ

НИГОҲ

ШИФОБАХШ НЕЪМАТЛАР

Қимиз келган уйга дард келмайди

ШУ БОИС АЖДОДЛАРИМИЗ УНИ МУНТАЗАМ ИСТЕЪМОЛ ҚИЛИШГАН

Бу йилги баҳорнинг серёғин келиши чорвачилик, шу жумладан, йилқичилик ривожига ҳам самарали таъсир кўрсатди. Серёт тоғ яйловларида яйраб юрган биялардан сут соғиб олиш анчагина кучайди. Улар шифобахш қимиз тайёрлаш, шу ҳисобига инсон саломатлигини мустаҳкамлашни таъкидласак, масаланинг моҳиятини айтган бўламиз.



— Шу ҳисобдан ҳам мўмай даромад олаёلمиз, - дейди тоғлик танишларимдан бири. — Биянинг қимизига талаб катта. Узоқлардан келиб қимиз олиб кетишади. Ортгани бозорда сотамиз. Келажакда бияларнинг сонини яна ҳам кўпайтириш ниятим бор.

Мустақиллик йилларида йилқичиликни ривожлантиришга кенг имкониятлар очилгани сир эмас. Айниқса, тоғларда истиқомат қилаётган деярли ҳар бир хўжаликда йилқи боқилади. Отни парваришлаб, ундан махсулот олаётган, транспорт сифатида фойдаланиб, рўзгорига қут-барак киритаётган, чавандозларга учур бедовлар етказиб бераётган, биясидан сут соғиб, бозорларимизни қимиз билан тўлдирётган тоғликлар қимизга тасанно айтгинг келади. Бозорларда қадиларда қимиз тайёрлаб, элнинг қорига яраётган қимизчилар билан сухбатлашсангиз сизга қимматли фикрларни айтишади.

— Қимизда гап кўп ака, - дейишади улар, — қимиз ичган одам касал бўлмайди. Вужудига куч, белига дармон қиради. Бунинг устига у кишига яхши кайфият ҳам бағишлайди.

Сир эмас, ўтган асрнинг 70-80-йилларида савдо дўконла-

рида шишаларга қадоқланган қимизлар ҳам сотилган. Шинавандалар уларни севиб истеъмо- мол қилишар, касалликларга даво сифатида ишлатишарди. Тарихга назар ташлайдиган бўлсак, бизнинг қимизга талаб ҳаммиша катта бўлган. Ҳатто, юртимизда парваришланган отлар билан бирга бияларни ҳам қиммат нархларда сотиб олиб кетишган. Узоққа бориб нима қилдик. Яқин йилларгача МДХнинг кўпгина мамлакатлари марказий шифохоналарида беморларни қимиз билан даволашгани ушбу махсулотга бўлган талаб ҳаммиша юқори эканидан дарак беради.

— Бия тоғдаги шифобахш ўт-ўланларни еишини яхши кўради. Уни вужудига қайта ишлаб синтезлайди. Ўзининг вужудида бўлган шифобахш элементларни қўшиб, бебаҳо неъмат — сут беради. Уни юрак-ўпка касалликларига чаалинган беморлар истеъмо- мол қилса дарди арийди. Қимиз минг дардга даво, уни ичган одамнинг умри узаяди. Агар худудларимиздаги махсус шифохоналар ундан фойдаланишса қандай яхши бўларди, - дейишади тоғли худудларда фаолият кўрсатаётган қишлоқ врачлик пунктлари-

нинг шифокорлари.

Тўғри, саноат усулида тайёрланаётган дори-дармонларнинг аҳамиятини қамайтирмаган ҳолда қимиздан ҳам мавсумий усулда фойдаланилса эл саломатлигига катта фойда келтирган бўларди. Машҳур ёзувчи, тоғликларни меҳр билан ўз асарларида тасвирлаган Лев Толстой ҳам ўпка касалига чаалинганда қимиз жонига оро кирганини мамнулик билан эсдаликларига ёзади. Яқин-яқингача тоғликлар тўю томошаларида меҳмонларни қимиз билан сийлашган. Қимиз тайёрлашда катта тажриба тўплаган бу одамларнинг шуҳрати узоқларга кетган. Ҳатто кўшни республикалардан келиб, Бахмал, Зоминлик қимизчиларнинг махсулотларини олиб кетганларига кўп бор гувоҳ бўлганмиз. Ахир бия ўт-ўланларни танлаб ейди, шифобахш булоқлардан сув ичишни хуш кўради. Шунинг учун ҳам мен қимиз тайёрлаш жараёнида шахсан иштирок этдим.

Тоза, етилган кади биянинг сутини солишдан олдин арча тутуни билан дудланади. Кейин табиий усулда ачитилади. Таъсир кучи ошиши учун юқори навли майиз солиш мумкин. Айниқса, кўйнинг қард куйруғи қўшилса, унинг кучи янада ошади. Танани қабулват қилади. Касалликларни ҳайдаб солади. Рухни тетик қилади, ақлни пеш-лайди. Мана шундай хусусиятлари учун ҳам шинавандалар қимизни севиб истеъмо- мол қилишлар керак-да.

Ушбу сатрларни ўқиганлар беихтиёр тамшаниб қўяётганини сезаяпман. Аждодларимиз қолдирган ёзма асарларда ҳам қимиз севиб истеъмо- мол қилинган ҳақида битиклар бор. Демак, улар қимизнинг шифобахшлигини, касалликларга даво сифатида фойдаланишса яхши самара беришини билишган. Тоғликлар қимиз келган уйга дард келмайди, дейишади. Бу ўғитлар бекорга айтилмаганига шубҳа йўқ.

Пардабой ТОҶИБОВ,
Жиззах вилояти

ДАВЛАТ ДАСТУРИ — АМАЛДА

Номоддий маданий мерос

ДОИМИЙ МУҲОҒАЗА ОСТИДА

"Номоддий маданий мерос" ибораси лексиконимизга кириб келганига узоқ вақт бўлгани йўқ. Ушбу иборанинг тилимизга кириб келиш тарихи ва бу борада мамлакатимизда олиб борилаётган ишлар ҳақида Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Республика халқ ижодиёти маданий-маърифий ишлар илмий-методик марказининг хужжатлаштириш бўлими мудири Гуларо Абдуллаева қуйидагиларни гапириб берди.

— Номоддий маданий мерос тушунчаси урф-одатларни, ўзига хосликни ифодалаш шакллари, биллилар ва кўникмаларни, шунингдек, улар билан боғлиқ ҳолатлар, предметлар, артефактлар ва маданий маконларни акс эттиради. Улар эса ўз навбатида ҳамжамиятлар, гуруҳлар, алоҳида ҳолатларда муайян шахс маданий меросининг бир қисми сифатида тан олинганлигини англатади. Авлоддан-авлодга ўтиб келаётган бундай номоддий маданий мерос доимо муайян ҳамжамиятлар ва гуруҳлар томонидан уларнинг атроф-муҳитга, табиатга ва ўз тарихига

боғлиқ ҳолда пайдо бўлади ва бу уларда ўзига хосликни, ворислик тўғрисида шакллантиради ҳамда шу билан инсоният ижодини ва маданий турли-туманликнинг хурмат қилинишига кўмаклашади. Номоддий маданий мерос ўзликни намоён этишнинг оғзаки аънаналари ва шаклларида, ижро санъатида, жамиятнинг урф-одатлари, маросимлари, байрамларида, табиат ва коинотга оид билимларда, аънанавий хунармандчилик билан боғлиқ билим ва кўникмаларда намоён бўлади.

2010 йил февраль ойида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг номоддий ма-

даний мерос муҳофазасига бағишланган Давлат дастурини ишлаб чиқиш бўйича махсус Фармойиши эълон қилинди. 2010 йил июнь ойида ушбу Давлат дастурининг лойиҳаси Вазирлар Маҳкамасига киритилди ва ўша йилнинг 7 октябрида "2010-2020 йилларда номоддий маданий мерос объектиларни муҳофазаси, асраш, тарғиб қилиш ва улардан фойдаланиш Давлат дастурини тасдиқлаш тўғрисида" қарор қабул қилинди. Унда 10 йил давомида номоддий маданий меросимизни муҳофазаси, асраш, тарғиб қилиш ва улардан фойдаланишнинг энг асосий йўналишлари кўрсатиб берилди.

"Номоддий маданий мерос" ибораси, тилимизга яқинда кириб келган бўлса-да, юртимизда аънанавий равишда "халқ ижодиёти", "фольклор" ибора ва сўзлари билан ифодалаб келинган миллий меросимизни сақлаш, уни келгуси авлодга етказиш, ундан ёшлар тарбиясида унумли фойдаланиш масалаларига мустақиллигимизнинг дастлабки кунларидан кат-

та эътибор берилга бошланди. Бунинг натижасида юртимизнинг нафақат ҳар бир туман ва шаҳри, балки деярли барча таълим муассасаларида хаваскор фольклор жамоалар шаклланди. Ҳозирги кунда олий таълим ва ўрта махсус, касб-хунар таълим ҳамда умумий ўрта таълим муассасаларида "Хазина", "Мерос", "Барҳаёт аънаналар" кўрик-танловларининг аънанавий равишда ташкил этилаётганлиги бунинг исботидир.

Номоддий маданий меросни хужжатлаштириш ишларини ташкил этишда ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ҳамда Ўзбекистон Республикасининг ЮНЕСКО ишлари бўйича Миллий комиссияси яқиндан ёрдам бериб келаётганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Хусусан, ушбу ташкилотнинг бевосита ташаббуси ва ёрдами билан жойларда махсус семинарлар ўтказилмоқда. Қолаверса, жорий йилнинг 3-7 июль кунлари ЮНЕСКО ҳамкорлигида яна бир тадбир - "Номоддий маданий мерос муҳофазаси тўғрисидаги ЮНЕСКО Конвенциясининг миллий даражада бажарилиши" мавзусида миллий тренинг ўтказилмоқда. Унда Қорақалпоғистон Республикаси ва юртимизнинг барча вилоятларида соҳа мутахассислари қатнашмоқда.

Мухтасархон КАРИМОВА

ЎГИТ

Қаердаки ҳақиқат излаш бошланса ўша жойда ҳаммиша ҳаёт бошланади; ҳақиқат излаш тўхташи биланок ҳаёт ҳам тўхтади.

Ҳар қандай қонуннинг ибтидоси ва интиҳоси шундан иборатки, ҳар бир инсон ўз нонини ҳалоллик билан топсин ва ўз меҳнатидан яхши самара кўрсин.

РИВОЯТ

Одамнинг фазилати

Арасту ёши етмишга етганда барбат мусиқа асбобини чалишни ўрганибди. Шогирдлари: "Оппок сочингиз билан барбат машқ қилгани уялмайсизми?" - деб сўрашса, шундай жавоб берибди: — Даврада ўтирган одамлар бу хунарни билган ҳолда, мен кўзимни мўлтиллаб ўтирсам ўшанда уят бўлур эди. Ҳар қандай илму хунардан хабардор бўлиш, уни ўзлаштириш йўлида тортиш мумкин бўлган барча азиятларни билиш одамнинг фазилатидир. Жоҳил кишигина бунинг маъносига тушунмайди ва фойдасини билмайди.

БИЛАСИЗМИ?

Бразилиядаги Игуасу шаршараси машҳур Ниагара шаршарасидан 20 метр баянд ва тўрт қарра кенгдир.

Дунёдаги энг катта бассейн Чилида жойлашган бўлиб, унинг узунлиги 1013 метр, энг чуқур жойи эса 35 метрга етади.

ТУРФА ОЛАМ

Янги авлод фотоаппарати

"ПОЛАРОИД" КОМПАНИЯСИ РАҚАМЛИ ФОТОАППАРАТНИНГ ЯНГИ РУСУМИНИ ИШЛАБ ЧИҚДИ.

Унга мўъжаз принтер жойлаштирилган бўлиб, бир вақтнинг ўзига 10 та суратни босиб чиқариши мумкин. Расмнинг формати 5x7 сантиметри ташкил этади. Фотоқоғоз дисплей остидаги махсус бўлмага жойлаштирилади. Суратни чоп этишга 30-40 сония вақт сарфланади. Буниси аввалги русумдаги аппаратга қараганда анча секин ишлайди. Шунга қарамай эндиликда янги русумдаги фотоаппарат ёрдамида олинган суратларни қуритишга ҳожат қолмади. Бу чоп этиш технологияси ўзгаргани туфайли содир бўлди. Шунингдек, ундан видеокамера сифатида ҳам фойдаланса бўлади. Қоғоз тугаб қолса, суратларни унинг хотирасига сақлаб қўйиш мумкин.



Энг йирик хазина

БУЮК БРИТАНИЯДА ЕВРОПА ТАРИХИДАГИ ЭНГ ЙИРИК ХАЗИНАЛАРДАН БИРИ ТОПИЛДИ.


Қадимги қумуш ва тилла тангаларни хаваскор археологлар Жерси оролидан топишга муваффақ бўлишди. Ла-Манш бўғозида жойлашган оролдаги хазинани аниқлаш учун Рег Мед ва Ричард Мейлсга 30 йилдан ортиқ вақт керак бўлди. Дастлаб, хазина изловчилардан бири маҳаллий аҳолида кенг тарқалган тангалар яширинган жой ҳақидаги афсонага ишониб ишга киришган эди. Бироқ, алақоқибат афсона ҳақиқатга айланди. Топилган тангаларнинг аниқ сони ҳозирча номаълум. Чунки ўтган 2 минг йил давомида тупроқ билан аралашган металл шу даражада зичлашиб кетганки, у 750 килограмм оғирликдаги улкан ёмбичи эслатиб юборади. Мутахассисларнинг айтишича, унда 50 мингга яқин танга бўлиши мумкин. Улардан ҳар бири 2-3 юз долларга баҳоланади. Хазинанинг умумий қиймати эса 15 миллион долларга етиши мумкин.



Куёш батареясида учади

ДУНЁДАГИ ДАСТЛАБКИ КУЁШ БАТАРЕЯЛАРИДАН ҚУВВАТ ОЛИБ УЧУВЧИ САМОЛЁТ ҚИТЪАЛАРАРО ПАРВОЗНИ АМАЛГА ОШИРДИ.

Уни бошқарган учувчи Бертран Пакар Марокшонинг куёш энергияси агентлиги таклифи билан Мадриддан Африка шимолдаги давлатга йўл олганди. Қанотларининг кенлиги «Боинг»ники билан тенг бўлган бир ўринли самолёт 12 мингта куёш батареялари билан жиҳозланган. У кунда ҳам, тунда ҳам уча олади. Швейцариялик мутахассислар томонидан ишлаб чиқилган ва «Солар импульс», деб номланган ҳаво кемаси умумий ҳисобда икки кунда 2 ярим минг километр масофани босиб ўтди. 2014 йили учувчи мазкур самолётда бутун дунёни айланиб чиқишни режалаштирмоқда. Бу вақтга келиб, 2003 йили бошланган лойиҳага сарфланган маблағнинг миқдори 100 миллион долларга етади.



З.ЗОИРЖОНОВ тайёрлади

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Марказий Кенгаши партия МК Ижроия Қўмитаси аъзоси Ғолибшер Зияевга онаси

ХОСИЯТ аянинг

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор қилади.